Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 29 апрель • Пайшанба • № 49 (14077) ترکستان TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

Фарғона меҳмонларни кутмоқда

Илгари хабар берганимиздек, шу йилнинг 3—8 май кунлари жаннатмакон Фарғонада Ўзбекистон талаба ёшларининг биринчи анжумани бўлиб ўтади. «Талабалар баҳори-93» деб номланган мазкур байрамда республикамиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил кўраётган ижодкор талабаларнинг вакиллари, ёш олимлар, ўқув юртларининг раҳбарлари, шунингдек, хориждан таклиф этилган меҳмонлар иштирок этадилар. «Талабалар баҳори»нинг бош ҳомийси — Фарғона вилояти матлубот жамиятлари уюшмаси.

Эслатиб ўтамиз: ушбу анжуман Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси, Фарғона вилояти Ёшлар Иттифоқи Қўмитаси, Республика талабалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлигининг ташаббуси остида бўлиб ўтади. Мухбиримиз фестивални тайёрлаш ва уни ўтказиш бўйича тузилган ташкилий қўмита аъзолари билан учрашиб, айни кунларда амалга оширилаётган ишлар ва кўзланган режалар хусусида улар билан суҳбатлашиб қайтди. Қуйида ана шу мусоҳабалардан бириси матнини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.

Ташвишнинг ҳам ширини яхши

Алишер ТЕШАБОЕВ — Фарғона вилояти Ёшлар Иттифоқи Қўмитасининг саркотиби

— Алишер, «Талабалар баҳори-93» фестивалининг айнан Фарғонада ўтказилишини тасодиф деб тушуниш керакми ё олдиндан «пишитилган» режами!

— Ўтиб бораётган ҳар бир кунимиздан тортиб, соату дақиқаларгача турли-туман тасодифларга тўла. Лекин, гапнинг тўғриси, тасодифларни табиатан унчалик хушламайман. Аниқ режа бўйича иш тутишни яхши кўраман. Бўлажак фестиваль ҳам, унинг айнан Фарғонада ўтказилиши ҳам тасодифий ҳол эмас. Унинг ташаббускорлари бир неча марта кенгашиб, «Талабалар баҳори»ни Фарғонада ўтказишга келишдик. Бунинг ўзига хос сабаблари ҳам бор. Биринчидан, вилоятимиз мамлакат миқёсидаги катта-кичик тадбирларни ўтказиш учун энг қулай бўлган жуғрофий минтақага жойлашган. Унинг табиатини, фарғоналикларнинг меҳмоннавозликларини таърифлаб ўтирмоқчи эмасман. Иккинчидан, водийдаги энг кекса ва йирик ўқув юртлари ҳам Фарғонада жойлашган. Етарлича иқтидор ва тажриба бор уларда. Учинчиси эса Фарғона ҳар доим янгиликларнинг, хайрли ишларнинг бошида туриб келган...

— Фестиваль бошланишига ҳам бир ҳафтача вақт қолди, холос...

— «Талабалар баҳори»га тайёргарлик кўриш соҳасидаги ишлар ниҳоясига етиб бораяпти. Ташкилий қўмита аъзолари ва фаолларимиз шу кунгача бир неча марта йиғилишиб, уни тайёрлаш ва мазмунли ўтказиш билан боғлиқ бўлган қатор масалаларни жиддий ўрганиб чиқишди. Махсус дастур асосида иш олиб бораяпмиз. Ташкилий қўмитага Фарғона вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ депутати Авазхон Мухторов раислик қилаяптилар. Ҳал этилиши бир мунча қийин кечадиган барча масалаларда у кишининг ёрдами, айниқса, асқотяпти. Вилоят тайёрагоҳи, шаҳар шоҳбекатлари меҳмонларни кутиб олишга шай. Ўзбекистон Автомобиль Транспорти Давлат Акционерлик корпорациясига қарашли «Фарғонатранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси фестиваль кунларида хизмат кўрсатиш учун 9 та юмшоқ ўриндиқли «Мерседес» автобуслари, «РАФ» русумидаги 10 та микроавтобус, 20 та енгил атомашиналар ажратди. Меҳмонлар юқори тоифали «Фарғона» меҳмонхонаси, шунингдек, Фарғона Давлат Университети ҳамда Политехника олий билимгоҳларидаги соғломлаштириш уйларига жойлаштирилади. Бу соҳадаги барча ташкилий ва молиявий масалалар ҳал қилиб қўйилган. Вилоят маданият ишлари бошқармаси, мусиқали драма ва комедия театри, ҳаваскорлик дасталари ва пойтахтдан таклиф этилган таниқли санъаткорлар анжуман иштирокчиларига маданий хизмат кўрсатадилар. Асосий учрашувлар Университет ва Политехника олий билимгоҳларининг ўқув базаларида ўтказилиши режалаштирилган. Бундан ташқари меҳмонлар водийдаги энг йирик саноат корхоналари — «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Фергананефтеоргсинтез» бирлашмаси, «Атлас» ва ипакчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида, Қувасой чинни буюмлар ишлаб чиқариш заводи, Фарғона тўқимачилик комбинатида бўлишади.

Юқорида айтиб ўтилган ва айтишга улгурмаган барча масалалар юзасидан ташкилий қўмитанинг ва вилоят ҳокими Мирзажон Исломовнинг тегишли қарорлари эълон қилинган. Умуман, олганда, «Талабалар баҳори» фестивалини кўнгилдагидек қилиб ўтказишга тайёрмиз.

— Эрта-индин Фарғона вилояти Ёшлар Иттифоқи Қўмитаси ташкилотининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясини ўтказиши керак, бу ёқда республика миқёсидаги катта тадбир тадориги дегандай... Чарчаб қолмаяпсизлармиl..

— Ташвишнинг ҳам ширини яхши экан, ҳозирча чарчаганимиз йўқ. Тўғрироғи, бу ҳақда ўйлашга қўл ҳам тегмаяпти. Биз режалаштирган барча ишларга республика ва вилоятдаги идоралар беғараз ёрдамларини бериб туришибди. Фурсатдан фойдаланиб, ташкилий қўмита аъзоларига, фестивални уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида ўзларининг беминнат кўмакларини аямаётган ҳамма ташкилот ва корхона раҳбарлари ҳамда меҳнат жамоаларига миннатдорчилик билдириб қўймоқчимиз.

— Биз ҳам республика талабаларининг анжумани кўнгилдагидек ўтишига тилакдошмиз. Ўйлаймизки, илк маротаба ўтказилаётган ушбу анжуман мустақил давлатимиз ривожи йўлида қўйилаётган дадил қадамлардан бири бўлиб қолади...

— Айтганингиз келсин!

Рустам БОЙ МУҲАММАД,
«Туркистон» ўз мухбири.



Ҳилола опа Юсупова пойтахтдаги жаҳон тиллари университетида ишлаётган биринчи ўзбек аёлларидан. У киши талабаларга француз тилидан сабоқ беради. Опа кўп эмас, оз эмас 34 йилдан буён мана шу қутлуғ даргоҳга [илгари чет тиллар педагогика институти эди] қатнайди. У кишининг 50 га яқин шогирдлари Франция, Мали, Алжир, Гвинея, Тунис, Лаос каби хориж давлатларида ишлаб келишган. Ўзи ҳам бир неча чет ўлкаларда тажриба орттирган.

Француз тили факультетида Ҳилола опага ўхшаган фидойи муаллимлар кўп.

СУРАТДА: француз тили катта ўқитувчиси Ҳилола опа Юсупова талабалари даврасида.

Суратчи Муҳаммад АМИН.

ЎЗБЕКИСТОН—ГЕРМАНИЯ: МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

РАТА—ТАСС мухбирининг Бонндан хабар қилишича, 27 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германия пойтахтига етиб келди.

28 апрель куни расмий учрашувлар бошланди. Ўзбекистон раҳбарининг ГФР Федерал Президенти Рихард Фон Вайцзеккер билан суҳбати чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинди. Рихард Фон Вайцзеккер ҳозирги пайтда ГФР ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни тараққий эттиришга кенг имкониятлар очилганини таъкидлади, Ўзбекистондаги немис қавмига қадимий ибодатхона биноси қайтарилгани учун миннатдорлик изҳор этди.

Ислом Каримов суҳбат давомида туб жой аҳоли билан Ўзбекистондаги немис миллатига мансуб фуқаролар ўртасида самимий, аҳил муносабатлар қарор топганини айтиб ўтди. Ҳозир республикада 40 минг немис яшайди. Ўзбекистон раҳбари ГФР Президентига республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот ҳақида сўзлаб берди. Германия бу ислоҳотлар жараёнини қўллаб-қувватлайди, деб умид билдирди.

Сафар дастурида ГФР канцлери Гельмут Коль, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, мамлакат савдо-саноат доиралари вакиллари билан учрашувлар ҳам кўзда тутилган.

(ЎзА).

Ўтиш даври сабоқлари

Мен ишламоқчиман, қўллаб-қувватланг

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи учун дастлабки сарҳисоб даври ҳам якунланиш арафасида. Биз, туркистончилар республикамизнинг барча туман, вилоятларида юриб, ўзига хос «Конференциялар сайли»ни кездик, десак бўлади. Кўрганимиз, эшитганимиз, билганларимиз ҳақида баҳоли қудрат газетамиз саҳифаларида ёритдик. Эндиликда, бундоқ ўтириб ёзганларимизга бир назар ташласак, конференциялар ҳисоботларида умумий ўхшашликлар, бир-бирини такрорлаган фикр-мулоҳазаларни учратасиз.

Бу табиий, албатта. Чунки ҳамма жойда ёшлар бор экан, уларнинг ҳаёти, ютуқ муаммолари, дарду қувончлари қарийб бир хил. Шу билан бирга турли жойларда вазият тақозоси, шароитдан келиб чиқиб анжуманларнинг фарқланувчи жиҳатлари, ўзгача руҳи бўлади. Юқорида таъкидлаганимиздек «сайлимиз» сафари бу гал Жиззахга келиб тўхтади. Азиз муштарийларни ҳадеб такрорланган гаплар билан зериктириб қўймаслик учун ушбу анжуманда алоҳида кўзга ташланган манзара, айтилиши муҳим бўлган мулоҳазаларга тўхталамиз.

Анжуман ўтишидан йигирма кунлар олдин кун тартибида ёшлар масаласи муҳокамаси учун вилоят ҳокимлигига барча ташкилот идора, органлар, туманлардан ёшлар билан ишловчи мутасаддилар тўпланишганди. Ўшанда вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби Комилжон Абдусатторов раҳбарлар олдига ёшлар билан боғлиқ муаммоларни қўяди, бу юзадан ташкилотнинг имкон қадар кўрган чора тадбирлари, амалга оширилмаган ишларга тўхталади

Йиғинда Ёшлар ташкилотлари вакиллари бир қатор таклиф, истак, талабларни ўртага ташлашади.

Қизиқ бир ҳолат эди. Вилоятда маҳаллий хокимликлар мутасаддилари билан ёшлар етакчилари орасида қандайдир ноаниқ вазият юзага келган. Раҳбарлар, «Хўш хизмат, биз сизга қулоқ тутамиз. Нима ёрдам керак айтинг... Аммо сиз бизга мурожаат қилмаяпсизлар», дея эътироз билдиришса, ёшлар вакиллари, «Бизни эшитмаяпсизлар, қўллаб қувватламаяпсизлар» деб нолишди. Йиғилишда Ўзбекистон халқ ноиби М. Қобилов шундай ақлли бир фикрни айтганди, «Ёшлар турмушини яхшиламоқчи, маънавиятини тарбияламоқчи бўлсак, биз уларга маблағ бериб ёки бирон ишни тайёр битказиб бермасдан, балки ўзларига ишлашни, яъни тадбиркорликни ўргатишимиз керак» деганди.

Бошқарувчи вилоят ҳокими муовини Жўрақул Исроилов бахс мунозараларни кузатиб ўтириб, хулоса қилади. «Бу ердаги тортишув, мунозаралардан кўринадики, «Давлатнинг ёшларга оид сиёсати асослари тўғрисида»ги қонун билан кўпчилик ўртоқлар танишмаслар ёки яхшилаб ўқимаганлар. Барча шу қонунни синчковлик билан ўқишини, яхшилаб танишишларини тавсия этардим»...

Бугун Комилжоннинг ҳисоботини ёшлар — ташкилотлар вакиллари тинглашмоқда. У барча масалаларга — бугунги иқтисодий таназзул шароитида ёшлар ҳаёти қандай кечаётганлигини таҳлил қиларкан, вилоятдаги ижтимоий иқтисодий шароитга ўз муносабатини билдиради. Ёшлар сиёсати қонунини бажариш ўлда жўлдалиги, шу юзадан Ёшлар Иттифоқи ишлаб чиққан дастурларни жойларда сессияларга масала қилиб киритилмаётганига умуман эътиборсизлик қилинаётганидан, оқибатда ишсизлик авж олиши, ёшларнинг маънавий-маданий ҳаёти дарз кетаётганидан иқтисодий етишмовчиликлар туғилаётганидан куйиниб гапиради. Шу ўринда бир қатор ибратли ишларни ҳам таъкидлайди.

Анжуманда қатнашиб, музокарага хозирлик кўраётган Жиззах туман Ёшлар Иттифоқи биринчи котиби Гулчеҳра Тўйчиева бирдан «Кайфиятим тушиб кетди. Кўнглимда гапларни тугиб қўювдим. Афсуски, сўзларимни тинглаши зарур бўлган кишилар конференцияда қатнашмаяптилар» деб қолди. Ҳайрон бўлдик. «Ахир ўша хокимликда ўтган мажлисда сиз ҳам қатнашиб фикрларингизни раҳбарларга баён қилган эдингиз-ку» десак, Гулчеҳранинг жони чиқиб, «Қани натижа, қани...» деди. Биз ҳам бўш келмасдик — «Шундай экан яна нима демоқчисиз, тушунмадик» дедик.

«Ҳозир тушунасиз»

Конференцияни олиб борувчи унинг номини ўқиган заҳотиёқ, Гулчеҳра минбарга шошиб чиқаркан, биринчи гапни «Бизни эшикдан ҳайдашса, деразадан кириб боришимиз керак» деб бошлади:

— Интилганга толе ёр дейишади. Агар мақсадимиз аниқ, ҳаёт олдига қўйган талабларимиз тўғри бўлса, охиригача курашишимиз зарур. Токи самара бергунча. Майли маблағ деб ялинмайлик, асосийси бизни тушунишсин, тан олишсин. Ҳозирча ёшлар номидан гапирувчи ягона ташкилот вакиллари эканмиз, нега энди «олма пиш, оғзимга туш» дея қўл қовуштириб ўтирайлик. Бугун ишда ланжлик, лоқайдлик қиладиган бўлсак, унда «Бутун Ўзбекистон йигит қизлари манфаати, ҳимояси учун хизмат қилиб юрибман» деган қизил гапларни йиғиштириб қўяйлик.

(Давоми 2-бетда).

Бозор иқтисодиёти йўлидан

Ёшлар билан гурунг

«Биз ёшларга умид боғлаганимиздагина бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб даврини қийналмай бошдан кечиришимиз ва янги шароитда ишонч билан иш бошлашимиз мумкин бўлади. Чунки келгусида тармоқнинг тақдири ёшларнинг қўлига топширилади». — «Ўзавтотранс» давлат-акционерлик корпорацияси бошқарувининг раиси Л. А. Аҳметов янги иқтисодий шароитда умумий фойдаланишдаги автотранспортни ривожлантиришда ёшларнинг тутган ўрни ва вазифасига бағишланган кенгашни шундай сўзлар билан очди. Кенгашга корхоналарнинг раҳбарлари, муҳандислар, олимлар, конструкторлар, шофёрлар, диспетчерлар, таъмирловчилар ва бошқа касб эгалари таклиф этилди.

— Мустақил Ўзбекистоннинг танлаб олган ўз тараққиёт йўли борлигини унутмаслигимиз керак, бинобарин, бозор иқтисодиётини барпо этишнинг хориждаги тажрибасидан кўр-кўрона нусха кўчириш мумкин эмас, — деди Л. А. Аҳметов ўз маърузасида. — Буни тармоқнинг барча ходимлари, аввало раҳбарлар ёдда тутишлари лозим. Ҳозирги вақтда корпорацияда раҳбарлар ўртача 30-40 ёшли ходимлардир.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида илм-фан ва техника ютуқларини жорий этишнинг алоҳида аҳамияти бор, деб таъкидланди кенгашда. Чунки, замонавий технология, самарали ва тежамли техника, юк ташишнинг илмий жиҳатдан асосланган оқилона схемаларигина бозор муносабатлари шароитида автокорхонани рақобатга чидамли қилади. Айни шу борада ёшлар ўзларини кўрсатмоқдалар.

Тармоқнинг асосий илмий бўлинмаси ҳисобланган «Ўзавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаётган мутахассисларнинг 40 фоиздан кўпроғи ҳали 35 ёшга бормаган кишилардир. Олий ўқув юртини битиргандан сўнг бирлашмага ишга кирган ходим етакчи мутахассислардан бирига бириктириб қўйилади. Бу ерда ёш олимлар ва мутахассислар кенгаши ишлаб турибди, бу ташкилот янги ижодкор кучларни тармоқнинг энг муҳим илмий-техникавий вазифаларини ҳал этишга сафарбар қилмоқда.

Ҳозир тармоқни компьютерлаш жараёни жадал бормоқда. Айни шу ишда, янги техникани ўзлаштиришда, республиканинг таъмирлаш корхоналарида автомобиллар ва автобуслар йиғишни йўлга қўйишда ёшлар ҳал қилувчи ўринни эгалламоқдалар.

Автокорхоналарнинг ёш рационализаторлари ва ихтирочилари ўтган йилнинг ўзидагина деярли 12 миллион сўмни тежаб қолишга ёрдамлашдилар.

Учрашувда тармоқдаги ёш ходимларга мурожаатнома қабул қилинди. Унда бозор муносабатларини жорий этиш учун зарур бўлган билимларни ўрганишга, ҳозирги шароитда автотранспорт барқарор ишлашини таъминлаш учун мумкин бўлган ҳамма ишни қилишга даъват этилади.

В. ПРУГЕР,
(ЎзА мухбири.)

СЎНГГИ ХАБАР

«ТОР — ИР» — УЗБЕКИСТОНЛИКЛАРГА

Яқинда Амриқо Қўшма Штатлари матбуот агентлиги махсус нафақа жорий этди. У «Тор-ИР» номини олган. Ушбу нафақа Амриқонинг коллеж ёки университетларига қабул маблағи бўлмаган ўзбекистонлик талабаларга берилади.

«ТОР-ИР» фақат жамоат бошқаруви, сиёсий илм, шаҳар хўжалигини режалаштириш, иқтисодиёт, бизнес, ҳуқуқшунослик, журналистика, ижтимоий-сиёсий фанлар, библиотека иши, инглиз тили, маркетинг ва компьютерчилик йўналиши бўйича илм олувчи талабаларгагина берилади. Қолганлар ҳам ёрдамсиз қолмаган. Ҳозирда АҚШга Ўзбекистондан ўқиш учун кетган ёшларнинг бир қисми Эдмунд Маски нафақасини олади.

Мана шу масалалар юзасидан республикамиздаги Амриқо элчихонасида журналистлар учун брифинг бўлиб ўтди. Саволларга элчихонанинг маданият ва ахборот масалалари бўйича маслахатчиси жаноб Ярослав Ж. Вернер жавоб қайтарди.

МУРУВВАТ ЁРДАМИ

Астма касаллиги клиникаси ташхиси ва даволаш муаммоларига бағишланган шифокорларнинг халқаро анжумани Киночилар уйида очилди. Семинар ишида Англиянинг «Файсонз», Германиянинг «Эрих егер» фирмалари ва қўшни республика мутахассислари ҳам иштирок этишмоқда. «Файсонз» фирмаси астма касаллигини даволайдиган дори-дармонлардан мурувват ёрдами сифатида олиб келган. «Эрих егер» фирмаси эса касалликларни диагностика қиладиган замонавий аппаратураларни намойиш этмоқда.

Анжуман икки кун давом этади.

БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ТЕКИН БЎЛДИ

Ғиждувон туманида давлат бюджетига қарашли 22 та болалар боғчаси бўлиб, уларда икки мингдан кўпроқ кичкинтой тарбияланмоқда. Ота-оналар бунинг учун йилига 31-минг сўм тўламоқда. Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан энди бу боғчалар текин бўлди. Ғиждувонликларнинг хайрли ишини бутун вилоятда жорий этиш масаласи ўрганилмоқда.

ХОТИРА ХИЕБОНИ

Самарқанд туманида республика байналмилалчи жангчилари ва заҳирадаги жангчилари вилоят уюшмаси ҳамда туман ҳокимлиги ташаббуси билан ҳалок бўлган байналмилалчи жангчилар хотираси учун хиёбон барпо этилди. Хиёбоннинг икки томонида қатор мармар тошлар ўрнатилган бўлиб, уларда афғон урушида ҳалок бўлганлар тасвири тошга ўйиб туширилган. Урушда ҳалок бўлган 25 йигит хотираси шу тариқа абадийлаштирилди. Шу ерда мангу олов ёқилди. Ҳалок бўлган жангчиларни Самарқанд туманида сира унутмайдилар, 14 та кўчага уларнинг номи берилган. Бир қанча мактаблар ҳам уларнинг номи билан аталган.

БИР ПИЕЛА ЧОЙ УСТИДА

Республикамизда фаолият кўрсатаётган «Заман — Ўзбекистон» газетасининг муштарийлари кундан-кун ортиб бормоқда. Газета таҳририяти Тошкентдаги ҳамкасблари билан ҳам ижодий ҳамкорликни кенгайтиришмоқда.

Шу ният билан куни-кеча «Заман — Ўзбекистон» газетаси таҳририятида бир қанча етакчи газеталарнинг Бош муҳаррирлари ва журналистлари бир пиёла чой устида ўзаро ҳамкорлик, тажриба алмашиш хусусида гаплашиб олдилар. «Заман — Ўзбекистон» газетасининг олиб бораётган ишлари, фаолияти, режалари билан танишдилар. Газета саҳифаларида эълон қилинаётган мақолалар, хабарлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар, газета ҳақида яхши ниятлар билдирдилар.

Дастурхонга «Заман — Ўзбекистон» журналистлари тайёрлаган ўзбекча палов тортилди.

ХАЛҚАРО БИРИНЧИЛИК

Кеча пойтахт вилояти стадионларида Марказий Осиё давлатлари ўсмирлар (1976 йилда туғилганлар) терма жамоаларининг футбол бўйича халқаро биринчилиги бошланди. Биринчилик Ўзбекистон Республикаси Давлат Спорт Қўмитаси Футбол федерацияси томонидан ўтказилмоқда.

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ёш футболчилари мусобақаси 4 майгача давом этади.

ПРОФЕССОРНИНГ ШОГИРДИ — ЎҚУВЧИ

Республика ўқувчилар саройи жамоаси жуда ибратли бир ишга қўл урди. Улар бир неча ой давомида пойтахтдаги энг иқтидорли ўқувчиларни излади. 50 нафар математика, физика, биология, кибернетика, информатика билан жиддий шуғулланаётган ўсмирларни ажратди. Ўзбекистон Фанлар академияси президенти М. Салоҳиддинов ҳамда республика болалар саройи директори Олия Иброҳимоваларнинг ўзаро келишувлари билан, ўша 50 нафар иқтидорли ўғил-қиз илмий-текшириш институтларига бириктирилиб қўйилди. Энди ҳар бир мактаб ўқувчисига профессору-доцентларнинг ўзи илм беради.

Мен ишламоқчиман, қўллаб-қувватланг

(Боши 1-бетда)

Вилоятимизда ёшлар орасида жиноятчилик кўпайяпти, дея хавфсираяпмиз. Бу иллатларни кўп гапираяпмизу, унинг илдизларини, унга қарши курашиш йўлларини тополмаяпмиз. Бир пайтлар комсомол ёшлар тарбиясини тўлақонли бўйнига олганди. Ҳар бир ноҳуш воқеа рўй бергудек бўлса биринчи бўлиб калтак унинг бошида синарди. Тартиббузарлар алоҳида комсомол рўйҳатида турар, ички ишлар бўлимлари билан ҳамкорликда рейдлар ўтказилар ва шу зайлдаги тадбирлар ўз самарасини берарди. Ҳозирчи? Ички ишлар бўлимлари, халқ таълими идоралари билан ҳеч қандай алоқаларимиз йўқ. Ташкилотнинг эса тартиббузарларга қарши курашиши учун ҳеч қандай ҳуқуқий асоси йўқ. Сен кимсан, нима ҳаққинг бор мени терғашга? дейишади.

Кадрлар масаласига тўхталмоқчи эдим. Бир пайтлар бирор бир масъулиятли лавозимга кадр керак бўлиб қолса, комсомолга қарашарди. Чунки, тайёр кадрлар шу ерда етишарди. Бугун бу ташкилотда, бошқа ердан тузукроқ иш тополмаган, ёки «ишига қаттиқ «қизиққан»ларни кўрасиз. Энди ташкилотнинг обрўси йўқ, унга панжа орасидан қараш мумкин, деб ўйлашади баъзилар. Ташкилот ўз ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиб билсин, Бу ерда ўн йиллаб ишлаб, бугунга келиб ишсиз қолиб кетаётганлар бор, Улар ҳақида ҳам ўйлаш керак.

Арнасой тумани Ломоносов номли мактаб ёшлар ташкилотчиси Тўра Тўраев:

— Мен собиқ комсомол ходими эдим. Ишдан кетдим. Нега? Чунки ойлик кам. Минг югуриб, елиб меҳнат қилманг, қадрингга етишмайди. Кўпинча қўллаб қувватлашмайди. Аммо барибир «дарё тошса тўпиғимга етмайди» деб ўтиролмайман.

Ҳозир ўтиш даври деб айтаяпмиз. Жойларда ташкилот билетлари алмаштирилаяпти, янги аъзолар қабул қилинаяпти, иқтисодий-молиявий масалалар билан шуғулланамиз. Сизнингча, кўп жойларда шу ишларга оқилона ёндашилаяптими? Йўқ. Билетларни алмаштиришда қалбакиликка йўл қўйилмаяптими, маблағлар, ташкилот мулки суиистеъмол қилинМаётганига кафолат борми? Ҳамиша эмас. Шундай экан, аввало ўз ишимизга ҳаққоний баҳо берайлик.

Мен мактабда болалар билан ишлайман. Мендан сўрашади. Домла, ҳозир ўсмирлар ташкилоти борми? Ёки «галстук» тақайликми? Қандай нишонларимиз бор? Шахсан мен уларга жавоб топиб беролмайман. Чунки Ўсмирлар ва Болалар ташкилотининг фаолият кўрсатаётганини билмайман.

Ёшлар орасида жиноятчилик кўп деб жар соламиз. Нима учун? Сабаби ишсизлик, болалар бекорчи бўлиб қолаяптилар, улар қизиқиб шуғулланадиган тўгараклар, маданий ҳордиқ чиқарадиган марказлар, масканлар йўқ. Арнасой туманини олайлик, бирорта ёшларнинг дам олиши учун маскан, марказ йўқ. Тадбирлар ўтказиш учун жой тополмай қийналиб юрасиз.

Олдинги «Спутник» йўқотилиб, «Ўзбектуризм» пайдо бўлди. Энди болаларни бирор жойларга саёҳатга олиб чиқишга уриниб кўринг-чи, ишингиз осонликча ҳал бўлармикан? Гапираман десак ичимиз тўла дард. Гапимнинг хулосасида таъкидламоқчилигим: Биз ишламоқчимиз. Биз тайёрмиз. Аммо имкон беринг.

Музокарачилар конференцияда қатнашаётган Ёшлар Иттифоқи Марказқўми биринчи котиби Адҳамжон Орзиматовга мурожаат қилишиб туманларда ҳоким муовинлари ўрни жорий этилиб, иттифоқ ходимлари ишлаб турган жойларида маош олиш масалалари хусусида сўрашди.

Марказқўм саркотиби республикамизда ташкилот фаолияти билан боғлиқ яхши анъаналар, ташаббуслар ҳақида гапириб, Наманган, Сурхондарё вилоятларида амалга оширилаётган ишларга тўхталди. Ушбу масалаларни ҳал қилишда маҳаллий ҳокимликларда иш шакллари, шароитларидан келиб чиқиб ҳал қилишларини таъкидлаб, келгуси авлод тақдирига бефарқ бўлмаган раҳбар борки, ижобий чора тадбирлар кўради деб ишонч билдиради.

Вилоят ҳокими муовини Жўрақул ака Исроилов ушбу конференциядан кейин вилоят ҳокимининг ёшларга оид махсус фармойиши чиқишини билдиради. У ўз нутқида ишлаб чиқариш жойларида, ёшларнинг ўзаро мусобақаларини ташкил қилиш, жамоа хўжаликларида бригадалар тузиш каби таклифларни ўртага ташлайди.

Алқисса, Жиззах вилояти Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг IX — конференцияси ортиқча дабдабаларсиз, сон жиҳатдан кўп бўлмаган делегатлар қатнашувида, сифат жиҳатдан жуда мазмунли ўтди.

Кераги ҳам шунда эди. Сони бор, сифати йўқ кечаги комсомолнинг инқирози сабабларини биласиз. Бугун ташкилот янгиланиш ҳисоботини берар экан, у ўз атрофига яна кимларни бирлаштира олди. Буни Жиззах мисолида кўрсак: Иттифоқда ҳақиқий, ўз ишига жон дили билан киришган фидойи ёшлар бор. Кун ўтказиш, ойлик олиш, ёки бирор манфаатдорлик юзасидан ишлаётганлардан кўра ташкилот тақдирига астойдил қайғураётганлар кўп. Тўғри, ўз фаолиятларида кўп хатокамчиликларга йўл қўяётганликлари, баъзан эскича фикрлаш, эскича қолиплардан чиқиб кетолмаслик ҳоллари бўлиши мумкин. Асосийси, улар давр тўфонларида обрўсизланиб қолган ташкилотни яккалаб қўйиб, қўл силтаб кетвормадилар, эътиқодларига собит қолдилар.

Ёшлар анжуманидан олган энг муҳим таассуротимизни айтсак: Ёшлар ишламоқчи. Астойдил. Аммо улар жойларда қўллаб қувватланмаётганликлари, маҳаллий раҳбарларнинг иқтисодий қийин жараёнда мададкор, ҳамкор бўлмаётганликларидан куйинишмоқда.

Мустақилликка фидойилар керак, деймиз. Баъзан ёшларни жамият ишига лоқайд, ишёқмасликда айблаймиз. Уларда Ватанга садоқат, миллий ғурур, байроғимизга, қадриятларимизга муҳаббат йўқ, деймиз. Аммо уларда шу жиҳатларни шакллантириш, тарбиялаш кимга боғлиқ? Буни баъзан унутиб қўямиз.

Ўзбекистонда ватанпарвар, элпарвар, фидойи ёшлар жуда кўп. Фақат улардан фойдалана билиш ва қўллаб қувватлаш даркор!

МЕҲРБОНУ,
СУВОНҚУЛ РУСТАМ.
«Туркистон» махсус мухбирлари.
Жиззах вилояти.

Фанимизнинг улуғ сиймолари

ТОҒ ТОҒ БИЛАН УЧРАШМАЙДИ

(Охири. Боши ўтган сонларда).

Тошмуҳаммад Саримсоқов (Т. С.): Умуман илмнинг миллий чегараси бўлмайди. Дарҳақиқат, мен Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти бўлиб ишга киришганимда, СССР Фанлар академиясининг президенти Сергей Иванович Вавилов эди. У машҳур физиклардан бири, кенг маълумотли ва юксак маданиятли олим ва раҳбар эди. Унинг шахсий ҳулқ-атвори нақадар сержозиба эканлигини у билан бир марта гаплашган одам дарҳол сезиб оларди.

1947 йилнинг 7 майида совет адабиёти, санъатининг бир гуруҳ арбоблари сиёсий ва илмий билимлар тарқатишга қодир билим жамияти тузиш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Бу жамиятнинг (кейинчалик «Билим» жамияти номи билан юритилди) биринчи раиси Вавилов бўлди.

Омонулла Файзуллаев (О. Ф.): Ўзбекистондаги бу жамиятнинг биринчи раиси сиз бўлдингиз. Ўринбосарингиз — Қори-Ниёзий. 1948 йилнинг бошидан иш бошлади бу жамият.

Т. С.: Ўшанда жамиятнинг биринчи бош муҳаррири этиб Сизни тайинладик. Жамият ҳаммаси бўлиб 44 йил фаолият кўрсатган экан, жуда кўп илмий-оммабоп брошюралар, лекция текстлари чоп этди. Умуман, СССР бўйича биринчи уч йил ичида 2000 дан ортиқ илмий-оммабоп китобчалар нашр этилди.

О. Ф.: Ўзбекистон «Билим» жамияти дастлаб, 1948 йилнинг ўзида анчагина илмий-оммабоп маърузалар матни ва 6 та шундақанги китобчалар тайёрлаб нашр этган. Бу муаллифлардан 4 таси: Зевелев, Садовников, Крахмальник, Якобсон. Қолган 2 таси: файласуф Зоҳидов ва физиолог Юнусовларнинг ҳам китоблари Белинский ва Павловга бағишланган эди. Бунга тавба-тазарру қиламан. Давр шундай эканда.

СССР Фанлар академиясининг президенти ва Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг раиси С. И. Вавилов 1951 йили 25 январда вафот этганидан кейин, эртасига Ўзбекистон «Билим» жамиятининг унга бағишланган мотам мажлиси бўлиб ўтди. Шунда ҳам президент, ҳам раис сифатида бу маросимни бошқардингиз. Сиз сўзни В. А. Бугаевга, В. П. Шчегловга, С. У. Умаровга бердингиз. Ҳаммалари яхши гапиришди. Султон Умарович ўз гапларида иккита мисол келтирдилар:

1) Мен, — дедилар С. У. Умаров, — Ленинграддаги Оптика институтига аспирантурага кираман, деб бордим. Имтиҳонни нисбийлик назариясидан топшириш керак экан, биз Самарқандда бу фанни ўтмаган эдик. Бўлмади. Чамадонимни кўтариб бинодан чиқиб ҳам улгурмаган эдимки, орқамдан директор котибаси чақириб қолди. Мен ундан, нима гап, деб сўрасам, у айтди: директоримиз Сергей Иванович кабинетига киришлари билан сўрадилар, ким у дўппили йигит? Мен айтдим, Ўзбекистондан экан, аспирантурага киролмай қайтиб кетяпти. Вавилов, дарров қайтариб келинг менинг олдимга, деди.

Мен, давом эттирди С. Умаров, директорнинг олдига кирдим. У ёқ-бу ёқдан суриштириб кетди ва айтди, нисбийлик назариясини Самарқандда қандай ўтишади, билмайману, Ленинградда домлаларнинг ўзи ҳам ҳар хил тушунади. Вавилов у-бу нарсаларни сўради-да, баъзи нарсаларни билмас экансиз-ку, лекин муҳими қизиқасизми ёки йўқми деди. Мен ўзимни физикага бағишлаганимни айтдим. Сўнг имтиҳон қоғозимга қабулдан ўтди деб қўл қўйиб берди ва менинг аспирантурага кирганлигим ҳақидаги буйруққа ҳам қўл қўйди. Мен аспирантурани 3 йил ўрнига 2 йилда тамомладим, физика-математика фанлари кандидати бўлдим ва, ниҳоят, Самарқанд университетида нисбийлик назариясидан биринчи бўлиб лекция ўқидим;

2) Замонанинг зайли билан, САГУнинг ректори эдим, Президент С. И. Вавилов қабулхонасига кирсам, Раҳматулла Холмуродович Маллин ўтирибди. Докторлик диссертациям проспектини Сергей Ивановичга кўрсатмоқчиман, деди. Мен ичимда президент ким докторлик диссертациясини олиб келаверса, ўқиб чиқишга вақти бўлар эканми, деб ўйладим. Қарангки, президент Маллинни чақириб қолди. Бироз суҳбатидан кейин қайтиб чиқди. Вавилов айтибди, эртага соат 10 га келинг, кечаси қараб чиқаман. Эртасига Р. Маллин 5 минут кечикиб кирса, котиба айтибди, Сергей Иванович сизни 10.00 да суриштирдилар, майли, кириб айтай-чи. Сергей Иванович Р. Маллиннинг қўлига диссертациясининг мазмуни ҳақида машинкада 6 бет ёзилган ва қўл қўйилган тавсияномани ҳамда САГУ ректори номига (яъни менга) доцент Р. Маллинга шарт-шароит туғдириш ҳақида расмий қоғозни берибди. Р. Х. Маллин дарров мени топиб, у қоғозни қўлимга тутқазди.

Мана шундай буюк олим. бардаст арбоб, меҳрибон устоз Сергей Ивановичдан айрилиб қолдик, деди С. У. Умаров.

Т. С.: Султон Умаровичнинг бу гаплари эсимга тушди.

О. Ф.: 1947 йили бир залда учрашиб қолдик. Сиз Академиянинг президенти эдингиз, мен «Қизил Ўзбекистон» газетасининг фан бўйича адабий ходими эдим. Академияга сайлов жараёни бошланди. Сиз сайланадиганлар ҳақида умумий ахборот бердингиз. Сўнгра СССР ФА Президиумининг аъзоси Шемляков, ЎзССР ФА мухбир аъзоси Черданцев сўзлашди. Академиклар ва фахрий академиклар сайлов бюллетенини тўлдиришди (ким: «ҳа», ким: «йўқ»). Мен тасодифан фахрий академик Уста Ширин ёнида ўтириб қолган эканман, у кишининг техник вазифаларини бажаришга ёрдамим тегди. Худди Сиз таклиф қилгандай, Ҳ. М. Абдуллаев, Ҳ. А. Раҳматуллин, О. С. Содиқов, Е. П. Коровин, Н. К. Додоновлар академик этиб сайланишди. Ўшанга ҳам, мана, 46 йил бўлибди. Бир савол туғилади, бу натижани Сиз сайловдан олдин қандай қилиб башорат қилган эдингиз?

Т. С: Улар том маънода таниқли олим эдилар-да. Фойдали маъдан қазилмалар геологияси бўйича илғор олим ким эди? — Ҳ. М. Абдуллаев! Замонавий механиканинг донгдор билимдони-чи? — Ҳ. А. Раҳматуллин! Ўзи ёш доктору, лекин танилган кимёгар-чи? — О. С. Содиқов! Ўсимликлар систематикаси, набобат оламининг донишманди-чи? — Е. П. Коровин! Тарих соҳасида-чи? — И. К. Додонов! Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда илм-фан ривожига бебаҳо ҳисса қўшган беқиёс зотлар эди.

О. Ф.: Сўнгра академиклар яна кўпая бошлади. Бутуниттифоқ илмий анжуманлар ривож топа бошлади.

Т. С.: Масалан, 1948 йили ўтказилган Бутуниттифоқ математик статистика кенгаши илмий жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотган. Ўйлашимча, бу конференция фаннинг бошқа соҳалари бўйича ҳам худди шундай илмий анжуманлар ўтказишга туртки бўлганди. Ўша илмий анжуманда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика соҳасининг мамлакатимиздаги энг етук мутахассислари иштирок этди. Улар орасида улкан математиклар А. Н. Колмогоров, В. И. Романовский, Ю. В. Линник бор эди. Илмий анжуман юксак савияда ўтди.

О. Ф.: Эсимда. Зал лиқ тўла. Президиумда Сиз, Тошмуҳаммад Алиевич, В. И. Романовский, Украина академиклари Н. Н. Боголюбов, Б. В. Гнеденко, Н. А. Бородачев ва бошқа атоқли олимлар, меҳмонлар. Романовский ўз кириш сўзида яхши гаплар гапирди-да охирида кун тартиби ҳақида мулоҳазалар йўқми, деди. Бор, деди Бродовицкий ва минбарга чиқиб бундай деди: «Ҳозир фан оламида инқилобий жараён кетяпти: биологияда вейсманизм — морганизмга қарши кураш кетяпти, фан ва санъатда космополитизм қуроланяпти. Ҳамма соҳада шундай, математикадан бошқа. Математикада ҳам шундай бўлиши керак. Ким математикада идеализм йўқ, дея олади. Мана, қаранг, Романовский 1914 йил француз журналида эҳтимоллик назариясини яратганлардан бири К. Пирсон деган. Пирсон ким ўзи? Идеалист. Демак, Романовский ҳам идеалист. Шундай идеалист бизнинг конференциямизга раҳбарлик қилса, ҳаммамиз ҳам идеалист бўлиб қоламиз. Таклифим: кун тартибига биринчи масала қилиб «Ҳозирги замон эҳтимолият назариясидаги идеализмга қарши кураш» деган мавзу киритилсин!»

Раис (В. И. Романовский), — Ким нима демоқчи? Сўзга гидрогеолог Захаров чиқди ва деди, — «Бродовицкий ҳақ. Бошқа илож йўқ!».

Бродовицкий эҳтимолият назариясидан бир-икки мақола ёзган бўлса ҳам, математика соҳасида мутахассис эмас эди, ўзи аслида бир вазирликда бухгалтер бўлиб ишлайдиган одам эди. Захаров эса мана шу Бродовицкийнинг формуласини гидрогеологияга тадбиқ қилган муҳандис эди.

Сўзга эҳтимолият назариясининг уста-фарангларидан Гнеденко, Полубояров, Саримсоқов, Эйдельнант ва бошқалар чиқишди. Улар Бродовицкий билан Захаров ноҳақ эканликлари ҳақида роса гапиришди, лекин у томон ҳам бўш келмади. Масала математика доирасидан ташқарига чиқиб кетди, сиёсий тус ола бошлади, Залдагиларда қўрқув бошланди.

Ниҳоят. Романовский тўғри бир фикрга келди ва айтди: эртага эрталаб академик А. Н. Колмогоров келади, ҳозир Польша-

---

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **БУТУНРОССИЯ** референдуми Марказий комиссиясининг раиси Василий Казаков овоз беришнинг дастлабки якунларини эълон қилди. Референдумда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганлардан 64,58 фоиз фуқаро қатнашган. Биринчи саволга 58,05 фоиз одам «Ҳа» деб жавоб берган. Иккинчи саволга ҳам 52,88 фоиз фуқаро шундай жавоб қайтарган. Шундай қилиб Президент ва унинг олиб бораётган сиёсатини кўпчилик маъқуллаган. Президентни ва парламентни қайта сайлаш бўйича сўров тегишли овозни ололмаган.

● **РИМ** папаси Иоанн Павел якшанбадан душанбага ўтар кечаси Альбанияга қилган сафаридан қайтиб келди. АНСА ахборот маҳкамасининг хабар қилишича, Иоанн Павел самолётда журналистлар билан суҳбатда Альбанияни «Умид мамлакати» деб атади ва шу мамлакатга ташриф буюра олгани учун худога шукур қилди. Тарихдаги энг даҳшатли диктатурадан кейин бу мамлакатдаги тузумнинг ўзгариш қон тўкилмай, тинч йўл билан ўтганини таъкидлади.

● **ТОЖИКИСТОН** Республикаси сешанба куни халқаро валюта жамғармасига аъзо бўлди. Вашингтонга келган Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Абдулмажид Дўстиев Тожикистон ҳукуматининг топшируви бинoан мана шу энг катта халқаро молиявий ташкилотлардан бирининг низомини имзолади.

Тожикистоннинг халқаро валюта жамғармасига дастлабки бадали салкам 57,7 миллион доллар бўлади. Мана шу собиқ Совет Республикаси жамғармага қабул этилгач, унинг аъзолари 177 тага етди.

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА жамғармасининг мутахассислари 1993 — 1994 йилларда жаҳон иқтисодиёти нотекис ривожланиб боради, деб тахмин қилмоқдалар. Мазкур халқаро молия ташкилоти мутахассисларининг душанба куни Вашингтонда эълон қилган йиллик маълумотномасига кўра, дунёда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 1993 йилда 2,2 фоиз, 1994 йилда 3,4 фоиз кўпаяди. Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодиёти дадилроқ тараққий этиши нишоналари бор.

БОСИБ ОЛИНГАН араб ерларининг турли туманларида Исроилнинг босқинчи қўшинлари билан тўқнашувларда якшанба куни 73 нафар фаластинлик яраланди. «Ал вафд» газетасининг ёзишича, Исроил аскарлари яна ўнлаб арабларни калтакладилар. Бир қанча манзилларда, жумладан, фаластинлик қочқинларнинг Рафах, Жабалия ва Хон-Юнис лагерларида, Ғазо ноҳиясида Ал-Ҳалил ва Наблус шаҳарларининг кўпгина мавзеларида, Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида комендантлик соати жорий қилинди.

РАТА—ТАСС МУХБИРИНИНГ хабар қилишича, душанба куни Йоханнесбургдаги халқаро савдо-сотиқ марказида бўлғувси демократик Жанубий Африка хусусида кўп томонлама музокаралар бошланди. Яқин ҳафталарда мунтазам равишда йиғилиб турадиган музокара кенгашининг мажлисларида ЖАР ҳукумати ҳамда 25 та сиёсий партия ва ташкилотдан 52 вакил қатнашади. Улар мамлакатда сиёсий заминда кучайиб бораётган можароларга чек қўйиш йўлларини, янги конституция қоидаларини ва ислоҳотларни амалга ошириш тартибини муҳокама қиладилар.

(ЎзА).

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

АСОСИЙСИ У ТИРИК

Бу ҳодиса Франциянинг Юқори Марна департаментида содир бўлди. 42 ёшли Кристиан Лезё ишини тугатиб, эски машинасида шошмасдан уйига — Болон посёлкасига қайтди. У одатдаги автомобиль йўлидан эмас, балки яқинроқ деб тор кўчалардан юрарди. Бу гал ҳам шундай қилди. Ўша тор кўчалардан бирида темир йўл ўтган. Бу темир йўлдан машинаси доим ўтиб юрарди, аммо бахтга қарши бу гал... Машина эски эмасми, айнан темир йўл устига келганда тўхтади-ўчди. Шу пайт бурилишдан пишқириб юк поезди келиб қолди ва автомобилнинг орқа қисмини юлиб кетди.

Бахтсизлик бир келса қўш келади, деганларидек. ҳеч қанча вақт ўтмасдан юк поезди ўтиб кетган томондан энди йўловчи поезди келиб қолди ва машинанинг яна бир парчасини узиб кетди.

Ҳодиса содир бўлган жойга тезда жандарм етиб келди. Бахтиқаро ҳайдовчининг жасадини роса қидиришди, топишолмади. Ҳеч бўлмаса бирор қолдиқ қолгандир, деб яна излашди, барибир топишолмади. Охири эзиб-юлиб ташланган машинанинг номерини олишдида, бошқармага қайтишди. У ерда машина соҳиби ким эканлигини аниқлашиб, эртаси куни «Кристиан автоҳалокатда ҳалок бўлганлиги» ҳақидаги шум хабарни Кристианнинг оиласига ва қариндош-уруғларига билдириб қўйиш учун жандармерия вакили Кристиан Лезёникига келди. Қўнғироқни босган эди, не кўз билан кўрсинки, эшикни юзлари тилинган Кристианнинг ўзи очди.

Маълум бўлишича, юк поезди машинани келиб урганда бахтли тасодиф туфайли ҳайдовчи кабинадан учиб кетган. Кристиан энди ўрнидан туриб машинасига қараши билан иккинчи поезд келиб, автомобилни ундан ҳам баттар эзиб кетган.

Машинасидан умидини узиб, Кристиан пиёда уйига йўл олган, деб хабар беради «Труд» газетаси.

ОРОЛГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

Амриқо пойтахти — Вашингтонда Орол денгизи муаммоларига бағишланган халқаро семинар очилди. Уни жаҳон банки, БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури ва БМТнинг тараққиёт дастури уюштирди. Семинар ишида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон делегациялари, Оролни қутқаришда ёрдам бераётган мамлакатларнинг ва бир қанча манфаатдор халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашмоқдалар. Оролбўйида вужудга келган мушкул вазиятни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган жуда муҳим муаммолар муҳокама қилинмоқда, халқаро ҳамжамиятнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиш йўллари белгиланмоқда.

«ТАНИШИНГ, КОРЕЯ!»

«Танишинг, Корея!» деб аталган кечада Корея тарихи, маданияти ва анъаналари ҳақида кўп нарса билиб олиш мумкин эди. Бу кеча Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида уюштирилди. Уни Кореяни бирлаштиришга кўмаклашиш халқаро уюшмаси республика бўлимининг «Бом мин рен» жамияти ва унинг «Бом чен акрен» ёшлар секцияси билан корейс тили ва адабиёти кафедраси ташкил этди.

Кечада машҳур кишилар, КХДР ва Корея Республикасидан келган педагоглар билан учрашув бўлди, бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Бу ерда «Сиз Кореяни биласизми?» деган мавзуда викторина бўлди. Унда фақат талабалар эмас, меҳмонлар ҳам иштирок этдилар. Кеча ташкилотчилари талабаларнинг корейс адабиёти ва тилига доир тадқиқотларидан иборат илмий асарлар кўргазмасини ташкил қилдилар. Корейс миллий таомлари, урф-одатлари, анъаналарини тасвирловчи суратлар ҳам қўйилган эди.

(ЎзА мухбири).

МАВЛУДА ОПА АМАЛҚИЛГАН ҚАДРИЯТЛАР

Нуриддин Носиров номидаги 273-мактаб ҳозирги пайтда Тошкентдаги кўзга кўринган, ўз мавқенга, ўқитиш — ўқиш жараёнида ўзига хос услубига эга бўлган масканлардан саналади. Мактабда 1369 ўқувчи билим олади. Уч йил бўлдики, у ихтисослашган лицей мактаб мақомини олди. Юқори синф ўқувчилари тўртта олий ўқув юртига кириш учун махсус билим ва имтиёз олишади. Булар Тошкент медицина, педиатрия, автомобиль йўллари ва педагогика институтларидир. Дарсларни мактаб ўқувчиларидан ташқари шу олийгоҳларнинг малакали мутахассислари ҳам олиб боришади. Бундан ташқари ўтган йилдан бошлаб 1-синфлар учун ҳам лицей гуруҳлари ташкил қилинди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, бу гуруҳларда ўзбек болалари билан бир қаторда рус, корейс, болалари ҳам ўқишмоқда. Машғулотлар эса ўзбек тилида олиб бориладиі

Шаҳар, туман миқёсидаги ўқитувчиларнинг турли анжуманлари, олимпиадалар, кўриклар, очиқ дарслар ҳам кўпроқ шу даргоҳда ўтказилиши биз юқорида айтган — унинг мавқеи баландлигига яна бир далил.

Умуман бу ишларнинг бошида мактаб директори Мавлуда Исматова туради. Опа бундан 32 йил бурун ўз фаолиятини шу даргоҳда бошланғич таълим ўқитувчиси сифатида бошлаган бўлса, мана ўн йилдирки, директор. Бу даврда кўп қийинчиликларини кўрди, кўп сувлар оқиб ўтди. Опа тажриба орттирди, малака оширди. Тошкентнинг четидаги эски қишлоқ мактаби энди шаҳар бағридаги улкан, замонавий бинога кўчиб ўтди. Шунга яраша жиҳозланди. Энг муҳими ўқиш, ўқитиш жараёнининг савияси ошди.

«Шахсий фаолиятимда ҳам, раҳбарлик ишимда ҳам тўртта қадриятга амал қиламан», — дейди опа. — Булар малака, масъулият, интизом ва аҳиллик. Буларсиз кўзланган маррага етиб бўлмайди».

Директорнинг гапларида жон бор. Балки унинг ва у бошлиқ жамоанинг ютуқлари калити ҳам шундадир. Дарвоқе, халқ маорифи аълочиси, шаҳар Советининг депутати Мавлуда опа шу кунларда 50 га кирибдилар. Биз у кишини бу қутлуғ ёш билан табриклаб, мактабингиз ҳамиша гуллаб-яшнайверсин деймиз.

СУРАТДА: М. Исматова мактаб билан амалий ҳамкорлик қилаётган олий ўқув юрти ўқитувчилари даврасида.

Р. АЛЬБЕКОВ сурати.

ДАНГ БАРАНГ ОЛАМ

МАОШМИСАН, МАОШ

● **АМРИҚОДАГИ** хусусий ташкилотларда йиллик даромади 22 миллион долларга кўтарилган раҳбарларнинг сони ўн нафарга етди. «Бизнес уик» журналининг ҳисоб-китоби бўйича, 500 та йирик корпорация раҳбарларининг йиллик маоши ўтган йилдагига нисбатан 56 фоизга ошган, яъни ҳар бир раҳбарнинг йиллик маоши 3,8 миллион долларнинг ташкил этади. Бу ўтган йили Амриқо заводлари ишчилари олган йиллик маошдан 157 баравар, ўқитувчи маошидан 113 баравар, муҳандисларнинг йиллик ойлигидан эса 66 баравар кўп демакдир.

ИЖРОСИНИ ЎЙЛАМАГАН КОМПОЗИТОР

● **АМРИҚОЛИК** композитор Самюэл Дюн ўзича рекорд ўрнатиб, Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га номини зикр эттирмоқни ният қилди ва шу ниятига эришди ҳам. Гап шундаки, у дунёда хор учун энг йирик мусиқа асари яратган эди. Бироқ шуниси қизиқки, муаллиф асарнинг ижроси ҳақида умуман ўйламаган кўринади. Чунки композиторнинг ораторияси 7 минг кишига, яъни 5 минг хор ижрочисига, 2 минг мусиқачига мўлжалланган. Шунинг учун ҳам 1957 йилда яратилган бу улкан асар ҳали ҳануз бирор марта бўлса-да, ижро этилмаган. Ахир бундай улкан асар ижроси учун улкан даста даркор.

БИР ФОТОАППАРАТГА 15 ХИЗМАТЧИ

● **ЕНГИЛНИНГ** оғири, узуннинг қисқаси, пастнинг баланди бўлганидек, кичикнинг ҳам каттаси, албатта, мавжуд. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, 1900 йилда амриқоликлар томонидан ясалган «Мамонт» фотоаппаратининг улканлиги табиийдек туюлади. Аммо кўрган ва у ҳақда эшитган киши ҳайратланмай иложи йўқ. Чунки унинг оғирлиги 625 кило бўлиб, унга ками билан 15 киши хизмат кўрсатиши лозим. Негаки, уни бир киши бошқаролмаган.

Фақат негативнинг ойнали пластинкаси 225 килолик тош босарди. Битта суратни ишлаш учун эса роппа-роса 40 кило кимёвий дори сарфланган.

дан учиб келяпти. Эртага эрталаб соат 10 гача танаффус.

Эртасига 10 га эмас, 9 га ҳамма келди. Зал лиқ тўла. Соат 10.00. Президиумга кўтарилишди: Романовский, Колмогоров, Саримсоқов ва бошқалар. Колмогоров раислик қилди. Гапини шундай бошлади: Бродовицкий борми? Доскага чиқинг. Хўш, параметрлар эҳтимолияти муаммосидан келтириб чиқарган формулангиз материализмга қарши бўлиб, идеализм ғоясини қўллайди. Йўқ десангиз исбот қилингчи.



Бродовицкий довдираб қолди, чунки унинг рўпарасида турган Колмогоров эҳтимолият оламининг «шоҳ» олими эди. Бродовицкий юксак абстракция оламидан иборат бўлган математикада материализмни идеализмдан ажрата олмаслигидан қўлга тушди-қўйди. Колмогоров айтди: «Сиз материализмни ҳимоя қилолмадингиз, бинобарин идеалист экансиз. Энди, профессор Захаров доскага чиқинг. Захаров, айтинг-чи, «бош йиғиндисининг тарқалиши ва оғиш стандартини баҳолайдиган формулани текширишда тажриба усулидан фойдаланиш» деган назариянгиз асосида Бродовицкий формуласи ётар экан, шундайми? — Захаров: Шундай! Колмогоров: Бродовицкийнинг формуласи идеалист руҳда суғорилганлигига ҳозир ўзингиз иқрор бўлдингиз. Демак, сизнинг ижодингиз заминида идеалистик ғоя ётади-да. Ёки бундай эмаслигини исботланг, мана бу ерда Иттифоқдаги энг зўр мутахассислар сизга қараб туришибди.

Захаров бундай оғир аҳволдан чиқиб кетишни уддалай олмади. Ва ниҳоят Колмогоров: Бутуниттифоқ конференциямиз қарор қилади: математика соҳасида ҳам идеалистлар бор экан. Улар Бродовицкий ва Захаров. Идеалистлар залдан чиқиб кетсин.

Улар бирин-кетин зўрға чиқиб кетишди.

Колмогоров залга ва Президиумга қараб мурожаат қилди, бугунги мажлисга раис қилиб менинг ҳурматли устозим Всеволод Иванович Романовскийни тайинласак. Қаршилик йўқми? Йўқ! Марҳамат, Всеволод Иванович.

Т. С.: Ҳа, уруш тамом бўлганидан кейин зиёлиларда илмий мунозараларга чанқоқлик кучли эди. Яна бир чанқоқлик Академияда математика соҳасидаги китобларнинг қизғин муҳокамалари чоғида намоён бўлди.

О. Ф.: Мен бу ишга аралашганим учун батафсилроқ айтақолай. 1947 йил 31 декабрда «Қизил Ўзбекистон» газетасида математикага оид бир китоб танқид қилинди. Жанжал Фанлар академиясига бориб етди. 1948 йил январь ойида бир ҳафта давом этган мунозара бўлди. Ҳар куни ўша А. Тўқай, 1 даги катта зал одам билан лиқ тўла. Президиумда Сиз, Романовский, Математика ва механика институтининг директори Жоржио ва бошқалар. Жанжалга улардан ташқари Қори-Ниёзий, Ўрозбоев, Собиров, Эйдельнант, Арешев, Сирожиддинов, Каримов, Сахибоев, Ражабов, Гренблюм, э-ҳе, қўйингчи, ўша замоннинг казо-казолари қатнашиб турди. Залда ўтирганлар ичида О. М. Акрамхўжаев, Ҳ. Ҳ. Усмонхўжаевлар ҳам бор эди. В. Қобулов ўша мунозарага келолмаганидан ҳануз армонда.

Бир ҳафта давом этган мунозара тугагач, Сиз Президент сифатида якунловчи сўзингизда мунозаранинг газетага ҳисоботини ёзиш ва газетага чиқариш учун қуйидаги комиссияни таклиф этдингиз: В. И. Романовский, физика-математика фанлари номзоди С. Сирожиддинов, О. Файзуллаев (газетадан), М. Петросянц (Математика ва механика институти илмий котиби). Ҳисобот мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилиб чиқди (Шу пайтда газетанинг бош муҳаррири Ш. Рашидов эди). Мени икки нарса ҳануз ўйлантириб қўяди: 1) аҳамияти унча катта бўлмаган, математикага оид ўртача бир китоб шунчалик шов-шувга сазовор бўлди? 2) китоб ҳам, у ҳақидаги танқидий мақола ҳам ўзбек тилида, нега энди улар ҳақидаги мунозара бир ҳафта давомида фақат рус тилида олиб борилди? (Ҳатто эсимда: Маориф вазирлигининг бир ходими «Книга хорош, мысляйте, не правда» деди-ю, пастга тушиб кетди, ўзбек тилида яхши гапириши мумкин эди).

Т. С.: Босилган мақолалар, ўтказилган мунозаралар ўша замонанинг муҳри ва садоси эди. Энг қимматлиси, ўзбек математика терминологиясини ишлашга туртки бўлганлиги.

О. Ф.: Гап сабоқ устида кетяпти. Мен Сиздан математик таҳлил, олий алгебра ва эҳтимолият назариясини ўрганганман, университетда. «Билим» жамиятида бирга ишлаганимизда (1948) иш юзасидан яна сабоқ бердингиз, Ўзбекистон комсомолининг раҳбари Каипов Ломоносов ҳақида доклад қилишни Сиздан илтимос қилди. Сиз материал тайёрлашни менга топширдингиз. Мен жавобгарликни сезган ҳолда роса ишладим. Академиянинг асосий кутубхонасидаги ҳамма тегишли китобларни титкилаб чиқдим, доклад матнини ёзиб Сизга топширдим. Ўйлабманки, Сиз минбардан туриб мен ёзган қоғозларни ўқиб берасиз, вассалом. Шу фикрда юрган мен, қабулхонангиз котибасининг столида Ломоносов ҳақидаги мен ўқиган барча китобларни кўриб саросимага тушиб қолдим. Суриштирсам, уларни олиб келиб қўйишни Сиз буюрган экансиз. Гап бошқа ёқда, бу тўпланиб турган китоблар ичида мен кўрмаган ва ўқимаган китобларга кўзим тушди. Улар Ломоносовнинг ҳар хил вақтда чиққан асарлари, Ломоносов ҳақидаги мақолалари бор химия, физика, геология, астрофизика соҳаларидаги илмий журналлар турибди. Сиз менга индамадингиз, лекин мен ўзимни ичдан ноқулай сездим. Ва ниҳоят докладингиз бўлди. «Олимлар уйида», мен ёзган текстдан асар ҳам қолмабди. Ўша Каипов Сизга ёшлар номидан ташаккур билдирди.

Менинг Сиздан олган сабоқларимнинг баъзилари шундан иборат.

Урушдан олдинги САГУ, бундоқ қарасам, зўр экан. Ўша вақтдаги домлаларимиз ичидан икки киши дастлабки фан докторлари, академиклар, президентлар, Иттифоқ Олий Советининг депутатлари, Сталин мукофотининг лауреатлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари бўлишди (Қори-Ниёзий, Саримсоқов). Икки студент СССР Олий Советининг депутати (Султонова, Қобулов), икки студент Ўзбекистон Олий Совети депутати (Орифхонова, Сирожиддинов) этиб сайланишди. Менимча, бу нарса ўша физматда илмий қизиқиш, ижтимоий фаолият, юксак маданий руҳият ниҳоятда юксаклигидан бўлса керак.

Т. С.: Ҳозир ҳам шундай бўлса керак, фақат ҳозир олий ўқув юртлари кўп бўлгани сабабли ҳисоб-китобини қилиш қийинроқдурда. Ҳар ҳолда ҳозирги талабалар Сиз студентларга қараганда кўпроқ билимдонлиги аниқ.

О. Ф.: Қуйидаги бир саволга Сизнинг жавобингиз салмоқли бўлса керак. Сиз ҳам, биз ҳам урушдан олдин ўқиганмиз. Бунинг устига биз Сиздан таълим олганмиз. У вақтлари олий ўқув юртларида «пора» деган нарса «0» (нуль) эди. Бу нарса ҳеч кимнинг хаёлига келган эмас. Кейинги ярим аср давомида домлаларнинг илмий ва ижтимоий савияси ошди, студентларнинг билими кенгайди, э-ҳе таълим-тарбия, сиёсий онг ҳақида дарслар олиб борилди, газета, журнал, телевидение, радио баралла уриб тарғибот олиб борди. Сиз ҳам таълим министри, ректор сифатида жон куйдирдингиз. Натижа? Баъзи ўқув юртларининг баъзи домлалари пора олади, деган гаплар гоҳо қулоққа чалиниб қолади. Сиз ҳам у порахўрларни билмайсиз, албатта. Лекин улар «0» эмаслигига ишонасизми? Нега бундай бўляпти.

Т. С.: Руҳий бузилиш. Гап диннинг ўрни устида кетяпти. Мен бу ҳақда устозим В. И. Романовскийнинг доим такрорлайдиган иборасини эслайман: «дин менга керак эмас, жамиятга керак». Яъни атеист шахс ҳам билсинки, жамиятнинг ҳаётида, халқ турмушида диннинг ижобий аҳамияти бор. Дарҳақиқат, домлам ҳақ экан. Одамлар ҳозир на худодан, на органлардан қўрқади. Ҳалол билан ҳаромни ажратолмай қолди. Фан руҳий пок жамиятга кўпроқ фойда келтиради. Илмнинг, масалан, математика ва табиий фанларнинг жамиятдаги ўрни, вазифаси, мақсади аниқ. Дин руҳий тарбия билан кўпроқ шуғулланса яхши бўларди. Сиёсат ва давлат ишларини фақат илмий асосда олиб бормоқ даркор.

О. Ф.: Сиз аслида эҳтимолият назариясидан мутахассис эдингиз. Кейин ҳар хил алгебралар, чунончи Буль алгебраси, яриммайдон алгебралари, мантиқ алгебраси соҳасида талай ишлар қилдингиз. Ал-Хоразмий алгебраси билан ҳозирги замон алгебралари орасида муносабат қандай? Масалан, Ньютон механикаси Эйнштейн механикасининг тарихий асоси бўлгани билан Ньютонни Эйнштейндан келтириб чиқариш мумкин.

Т. С.: Фикримча, эҳтимоллар назарияси асосларини алгебралаштириш даври келди. Ҳозирги замон алгебраларининг асосида Ал-Хоразмий алгебраси ётади, лекин ҳозирги замон алгебраларидан Ал-Хоразмий алгебрасини тўла равишда дедуктив келтириб чиқарилмайди.

О. Ф.: Менимча математиканинг фан системасидаги шу вақтгача қабул қилинган ўрни тўғри эмас. Масалан, физика-математика фанлари (доктори) дейилади. Бу билан математиканинг моҳияти ва мазмуни камситилиб келинган. Гап шундаки, материянинг ўзига хос шаклларини механика, физика, химия, биология, социология ўрганади. Материянинг математик шакли йўқ, шунинг учун у табиийётга кирмайди, Математика ҳамма фанларга дахлдордир, фақат бирига кўпроқ, иккинчисига камроқ. Ҳаракатнинг соддароқ шакллари қонуниятини математика воситасида акс эттириш осонроқ, юксак шакллари (масалан, биологик, социологик) қонуниятини ифодалаш қийинроқ, фарқи шунда. Шундай қилиб, агар диалектика энг умумий (фаннинг ўзаги), физика, механика — табиий фанларнинг қисмлари бўлса, математика улар орасидаги ўртадаги ўринни эгалласа керак-ов.

Т. С.: Фанлар классификацияси олимларда ҳар хил. Умум тан олган биронта дастур йўқ. Шу соҳада мени қизиқтирадиган нарса шуки, илм дифференциаллашиб кетиб, мутахассисларнинг ўзи бир-бирини тушунмайдиган бўлиб қолди. Ҳозир фанларни интеграллаш муаммоси оқсамоқда. Ҳар хил фанларни мужассам этган илмий кенгашларда математика илми ҳаммага дахлдорлиги янада аёнлашар эди.

О. Ф.: Сиз, Тошмуҳаммад Алиевич, 40-йилларда ректор бўлганингизда Ўзбекистонда бошқа ректор йўқ эди (у вақтларда фақат университет раҳбари ректор дейилар эди, ЎзДУ уруш даврида вақтинча бекилган эди), Академиянинг президенти эканлигингизда бошқа академия йўқ эди. Ҳозир университетлар ҳам кўп, академиялар ҳам...

Т. С.: Мустақиллик шарофати билан бир қанча пединститутлар ва соҳа олий ўқув юртлари университетларга айлантирилди. Бу иш жуда тўғри бўлди, чунки жаҳон мамлакатларида олий ўқув юртлари, асосан, университет номи билан юритилади. Менимча, бу ишни яна давом эттириш керак, масалан, Давлат шарқшунослик университети, Давлат ҳуқуқ университети, Давлат тиббиёт университети, деб аталса дуруст бўлур эди. Шу билан бирга бутун дунёда қабул қилинган терминлардан четга чиқиб қолмаслигимиз керак: университет, институт, факультет, кафедра, профессор, доцент, ассистент, аспирант сўзлари сақлаб қолиниши маъқулроқ деб тушунаман. «Дорилфунун», «Дорилмуаллим», «олийгоҳ», «олий илмгоҳ» бизда ҳам, бошқа шарқ мамлакатларида ҳам бўлмаган, бу фақат таржима сўзлар. Ибн Синолар мадрасада ўқиганлар. Ҳозир Эрону Туркия, Покистону Мисрда университет дейилади. Академияларнинг кўпайиб кетишига келсак, бу соҳадаги кўрсатилаётган фаолият стихияли бўляпти, чамамда. Бу ишни давлат нуқтаи назаридан тартибга солмоқ зарур бўлиб қолди.

Суҳбатдошлар:
Т. САРИМСОҚОВ,
О. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Булар икир-чикирларми?

Эрталабки кайфият

У кўп нарсага боғлиқ. Янги иш ҳафтасини хурсандчилик билан бошласангиз, охиригача кўнгилдагидек ўтади. Яхши кайфият билан ишга борсангиз унумли бўлади. Афсуски, кейинги пайтларда у пулга сотилмас, тиллога топилмас бўлиб қолаяпти. Чунки эрталаб уйдан яхши кайфиятда чиққанингиз билан йўлдаги ҳангома ва тасодифлар-чи...

Ҳар куни метродан чиқиб, марказий хиёбондан ишга юраман. Бу ерда метронинг ўтиш йўлаги бошқа жойлардан кўра узунроқ. Авваллари ҳеч ким бўлмасди. Йўловчилар шошиб-шошиб ўтиб кетаверишарди. Кейинроқ обакиширинлик сотадиган икки аёл пайдо бўлди. Кейинроқ гул сотувчи йигитчалар макон топишди. Дастур, троллейбус карточкасини сотувчиларнинг овозлари эшитиладиган бўлди. Яна кейинроқ ҳар хил одамлар қаторлашиб ўтирадиган одат чиқаришди. Айниқса 8—9 яшар қизчанинг бор овози билан чинқириб ўзича алланарсаларни оҳангли айтиши, нарироқда ёшгина аёл йўловчиларнинг олдига чиқиб фол очиши кайфиятингизни чилпарчин қилади. Энди улар қаторига музқаймоқ сотадиган гунг (Оллоҳнинг иродаси бу) йигитчалар қўшилишди. Музқаймоқнинг нархи оз эмас, кўп эмас 100 сўм. Худди шу хилдаги зарга ўралган музқаймоқ икки бекат нари — метронинг охирида 45-50 сўм. Ҳайрон қоласан. Бундай ҳай-ҳайлаган нархни ким белгилайди уларга? Ҳа, айтгандек, эркин нарх даври-ку?! Қолаверса, улардан музқаймоқ харид қилиш менимча садақага тенглашади.

Хуллас, эрталабки кайфиятингиз яхши бўлсин. Фақат уни бузмайман десангиз бу йўлакдан юрмаганингиз маъқул. Акс ҳолда...

Муқаддас СОЛИҲ қизи.

37-мактаб

ОДДИЙ МАКТАБ ЭМАС: ЁРДАМЧИ-МЕҲНАТ МАКТАБИ.

Менда ҳали мазкур маскан ҳақида тўла тасаввур йўқ эди. Таклиф қилишди. Боришим керак. «Бор-йўғи ўзимизнинг мактабларга ўхшагандирда» деган ўйда йўлга чиқаман. Ташқарида эса ёмғир. Шаррос қуяяпти. Бир зумда жиққа ҳўл бўлдим.

Шайхонтоҳур туманидаги излаган жойимни тезда топдим. Қаршимга директорнинг ўзлари пешвоз чиқди.

— Ишимизга ёмғир ҳалақит қилди-да, — дейди Шоҳида опа Икромова ачинганнамо. — Ўтган йили ажойиб ўтган эди-да, тадбиримиз.

Кейин билсам мактабда меҳнат ва нутқ байрами ўтаётган экан.

Мактаб методбирлашмаси раиси Марғуба опа Аҳмаджонова билан синф хоналарини кўздан кечира бошлаймиз. Дид билан безатилган меҳнат хоналарида қизлар куйманишади. Тикув машиналарида нималарнидир ихлос билан тикишмоқда. Ўқитувчилари ишларига бош-қош.

Кейин биринчи қаватдаги кичик залда ўқувчилар ўз қўллари билан тиккан ва ясаган нарсаларни намойиш этаётганининг гувоҳи бўлдик. Мусиқа садолари остида турли танловлар давом этади. Ҳар бир синф болалари нималарга қодир бўлса, барини йиғилганлар ҳукмига ҳавола этмоқда. Ота-оналарнинг хурсандлигини айтмайсизми.

— Ўқувчиларимизни асосан меҳнат қилишга ўргатамиз, хатсаводини чиқарамиз, — деб сўзида давом этади Шоҳида опа. — Дурадгорчилик, темирчилик, бичиш-тикиш сабоқларини шу ерда ўрганишади. Талаффузида камчилик бўлган болаларни меҳнат орқали равон гапиришга, кишилар олдида сўзлашга ўргатамиз. Бу хайрли ишда анъанавий тарзда ўтадиган меҳнат ва нутқ байрамлари катта ёрдам беради.

Мактаб саккиз йиллик. Ундан сўнг болалар билим юртларида ўқишни давом эттиришади, меҳнат қилишади. Ёрдамчи-меҳнат мактабида олган сабоқлари эса бир умрга татийди. Бунга шак-шубҳа йўқ.

СУРАТЛАРДА: Шайхонтоҳур туманидаги 37-ёрдамчи-меҳнат мактаби фаолиятидан лавҳалар.

Матн ва суратлар муаллифи Муҳаммад АМИН.

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **ОВРУПО** тиклаш ва тараққиёт банкининг Президенти Жак Аттали Лондон кенгаши натижалари ҳақида мухбирларга гапириб берди. РАТА—ТАСС мухбирларининг хабар беришича, акционерлик сармоясига кўпроқ маблағ ажратиб бериш, Марказий ва Шарқий Оврупо мамлакатларида банк фаолиятининг имкониятларини ошириш ҳақида бир тўхтамга келинди.

Мажлисда Швеция молия вазири Анне Вибле банк бошқарувчилари кенгашининг янги раиси этиб, Украина вакили эса директорлар кенгашининг раиси этиб сайланди.

● **АҚШНИНГ** фазода учиб юрган «Колумбия» космик кемасининг етти кишилик экипажи биологик ва тиббий тажрибаларни амалга оширишга киришди. Кемадаги махсус аквариумларда турли-туман денгиз ҳайвонлари ва балиқлар бор. Олимлар мазкур жониворларнинг вазнсизлик шароитида қандай ўсиб, ривожланиши ҳақида маълумот олмоқчи.

● **БИРЛАШГАН** Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши Тоғли Қорабоғ теварагидаги вазиятни кўриб чиқди ва шу масала юзасидан қарор қабул қилмоқчи, деди кенгаш раиси. Сешанба куни бўлиб ўтган маслаҳатлашувлар чоғида хавфсизлик кенгаши БМТ котибиятининг шу можарога оид маълумотини тинглади. Кенгаш жанговар ҳаракатлар давом этаётгани ва одамлар қурбон бўлаётгани хусусида ташвиш билдирди.

● **УКРАИНА** транспорт вазирлигининг хабар қилишича, 25 апрелдан бошлаб темирйўл транспортида (шаҳар атрофи темирйўлидан ташқари) йўловчи ва юк ташиш ҳақи тўрт баравар оширилди.

РАҚҚОСА ХИРОМ ЭТГАНДА

Пойтахтимизда гўзал баҳор фаслининг тўрт куни ўзгача тароват, ўзгача руҳ билан ўтди. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар жумҳурият маркази, Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси ҳамкорлигида Мукаррама Турғунбоева таваллуд топган куннинг 80 йиллигига бағишланган «Рақс-93» республика кўрик-танлови вилоятлардан келган ёш рақкосалар ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолади.

Республика хореография билим юртининг директори И. Ҳасанов раҳбарлигидаги ҳакамлар ҳайъати рақкосалар маҳоратини холисона баҳолашга ҳаракат қилди. Кўрик-танловда ҳеч нарса эътибордан четда қолмади. Ҳаваскорлар эгнидаги либослар ҳам, миллий чолғу асбоблари ижроси ҳам, саҳна безаклари ҳам — ҳамма-ҳаммаси ҳакамлар диққатида бўлди.

Кўрик-танлов якунига кўра иккита биринчи ўрин Андижон вилояти халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар марказига ҳамда Фарғона вилоятининг рақкосалар гуруҳига берилди. Иккита иккинчи ўрин «Наманган гуллари» рақс дастаси ва фарғоналик рақкоса Умида Нуриддиновага, учта ўрин Самарқанднинг «Дарғом таронаси» рақс гуруҳига, андижонлик рақкос Одилжон Аминовга, наманганлик ёш рақкоса Замира Усмоновага насиб этди. Қорақалпоғистонлик рақкосалар танловда фаол иштирок этгани учун тақдирланди.

Якшанба куни Халқлар дўстлиги саройида якунловчи концерт бўлди.

Унда М. Турғунбоеванинг юртдошлари — хонандалар Қобилжон Юсупов, Охунжон Мадалиев, Маъмуржон Тўхтасинов, шунингдек, Ўлмас Санджонов, қизиқчи Абдуллажон Акбаров ҳам томошабинларни хушнуд этдилар.

Концертда республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев ҳозир бўлди.

Салима ҚИЛИЧЕВА,
ЎзА мухбири.

Мозийдан садолар

ЎЗБЕК КУЙЛАРИНИ ҚАНДАЙ САҚЛАШ МУМКИН?

УЗОҚ ЙИЛЛАРДАН бери халқ бастакорлари ва шоирларимиз томонидан ёзилиб, халқ шоирлари оғзидан айтилиб келган ота-боболаримиздан мерос қолаётган қиёматлик, бой ўзбекча куйлар замоннинг ўтиши билан йўқолиш даражасига келиб қолмоқдадир.

Замон ўтган сари турмуш ўзгариб ва бунга қараб халқнинг фикри, ҳиссиёти ўзгаргандек халқ шоирларининг ижодиётида ҳам бир қанча янгиликлар яратилмоқдадир. Илгари борғон сари эски куйлар узоқ бурчакларда, эски халқ шоирларидағина қолмоқдадир.

Бу кетишда бир неча йил ўтмасдан эски ўзбек куйлари орамиздан йўқоладир.

Янги бир асар яратилмоқликда эскилар анча ёрдам берадир, эскини билганда янгилар анча мукаммал бўладир.

Мана бунинг учун эски куйларимизни сақлаш чорасини ҳозирдан кўришимиз керак.

Оврупо мусиқасига, куйларига назар солсак, ҳар бир куйни нўтаға олиш билан сақлаб келмоқда эканлигини кўрамиз. Бизда нўта йўқ. Нўта бўлғонда биз ҳам куйларимизни сақлаб қолғон бўлар эдик. У куйларнинг йўли, мақоми, тузилиши ва халққа бўлғон таассуроти билан янги наслларимиз ҳам ошно бўлиб, шунинг орқасида ўзбек мусиқасида ўзбек тарихи тараққиётини йўқотмасликқа эга бўлар эдик.

«Ажабо, биз ҳам куйларимизни Оврупо нўтасига олиб, доим сақлаб келсак бўлмайдирми?», деган бир фикр майдонга чиқиши мумкин. Бу жуда яхши фикр. Фақат ўзбек куйларининг нўтага олинишини ўйлағонимизда яна шундай бир масала келиб чиқадирки, ўзбек куйларини ҳозир нўтага ола оламизми, йўқми? Башарти, олғонимизда бизда нўта йўқ, албатта Оврупо нўтасига олинадур. Менимча Оврупо нўтасиға олиш мумкин эмас.

Бизнинг ўзбек куйларининг кўпида чорак ва ним чорак товушлар бор. Мана шу товушларни олмоқ учун Оврупо нўтаси етишмайдир, буларсиз бизнинг куйларни нўтага олиб бўлмайдир. Мен буни ўз тажрибам билан кўрдим. 1923 йилда Московда таҳсилда вақтимда мусиқийшунос ўртоқ Мирўнуф билан биргаликда кўп ҳаракатлар орқасида бир неча ўзбек куйларини нўтаға олдириб бостириб чиқордик, шунингдек, ўртоқ Успинский тарафидан «Шашмақом» ва бошқа куйлар нўтаға олинди.

Энди, бу Оврупо нўталари билан йиғилғон ўзбек куйларини чолдириб ўқутиб кўрсак, ажабо, асл куйни эшита оламизми? Шунга қаноатланамизми? Албатта йўқ.

Мен ҳали айтиб ўтган нўтани бостириб чиқорғонида анча муваффақият қозондиқ деган эдим. Лекин ҳозир текшириб кўрсам бутунлай янглиш экан. Ҳалигидай чорак, ним чорак товушлар бўлмағондан куйни айнан ифода этмас экан. Ҳозир ўшал нўталарға ўзим ҳеч бир қиймат бермайман. Албатта бошқалари ҳам шундай.

Сўнгра мен Русия ва Ғарбий Оврупоға қилғон саёҳатимда уларнинг кўп мусиқийшунослари билан сўзлашдим. Улар шарқ куйларини сақлаш учун Оврупо асбобларидан бошқа шарқ учун алоҳида бир асбоб ясаб, шунинг воситаси билан иш кўришни маъқул топадилар, шарқ учун айрим йўл тутилишини, айниқса Оврупонинг машҳур мусиқийшуноси профессор Шумман жуда тўғри топадир ва ўзи шу йўлда ортиқ даражада ишлагандир. Чунончи профессор Шумман «Фунугроф» асбоб воситаси билан шарқ куйларидан ўн беш мингга яқинини тўплағон ва куйларни нўтаға олиш чорасини излаб, натижада ўзи шарқ куйлари учун пианинога ўхшаш бир асбоб ихтиро этган, бу ҳалиги чорак, ним чорак товушларни бера оладир. Профессор Шумман шу асбоб билан шарқ куйларини чалиб, нўтаға олиш мумкин эканлигини билдирадир. Фақат бир ачинарлик ҳол борки, Шумман бу асбобни ўзи чиқарғон бўлса ҳам чала олмайдир, бошқаларнинг ҳам қўлидан келмайдир. Фақат ул асбобда товушларни тайин эта оладир.

Куйларни тўплаш учун Оврупода хусусан Олмонияда «Фунугроф» деган бир асбоб бор. Уни ҳаракатга келтириб туриб, куйлаган вақтда граммафунға ўхшаб бутун овозни ўзига йиғиб оладир. Иккинчи қайтариб ҳаракатга келтирсангиз ҳалиги айтган куйингизни айнан, ҳатто ўз овозингиз билан ўзингизга айтиб берадир. Биз ҳозирча шу асбобдангина фойдалана оламиз, бу асбоб воситаси билан тўплонғон куйни 30—40 йил сақлаш ҳам мумкиндир (Комиссарлар Шўросининг раиси ўртоқ Файзулла Хўжаев шу асбобни олдирмоқ учун Олмонияга сипориш берди. Тезда келиб қолса керак).

Оврупо нўтасиға ўзбек куйларини ҳеч олиб бўлмайдир эмас, бўладир. Фақат ҳаммасини эмас, баъзи бир кичик куйлар Оврупо нўтасиға жуда ёпишиб келадир. Аммо ҳалигидай чорак ва нимчорак товушлиқ куйлар яна эски ҳолида қоладир. Буларни юқорида айтилган асбоб воситаси билан олмоқдан бошқа чора йўқ.

Бу тўғрида мусиқа ҳаваскорларидан ўз фикрларини матбуот орқали айтиб ўтишларини ва маслаҳат беришларини кутиб қоламиз.

Қори ЁҚУБИЙ,
Ўзбекистон халқ ашулачиси.

«Ер юзи» ойномаси, 1926 йил, 11-сон, август 5-бет.



Адабиётшунос Наим КАРИМОВ—60 ёшда

МУДҲИШ ДАВРЛАР ҲАҚИҚАТИ

АДАБИЁТИМИЗ, санъатимиз ва умуман маданиятимиз тараққиёти йўлида ҳалол хизмат қилиб келаётган олимлар ижоди хусусида сўз кетса, Наим Каримовнинг мақолалари, рисолаларини тилга олган бўлур эдим.

Камтар, самимий бу инсон мана ўттиз беш йил бўлибдики, Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтида хизмат қилиб келмоқда. Наим ака кўплаб йирик тадқиқотлар ва монографиялар яратиш ишида фаол қатнашди. Олимнинг бевосита иштироки ва раҳбарлиги остида нашрдан чиққан Ойбекнинг йигирма жилдлик «Мукаммал асарлар» тўплами Беруний номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган.

Наим Каримов ўзбек совет адабиёти тарихини ёритувчи ўндан ортиқ рисола, беш юздан зиёд мақолалар ва тақризларнинг муаллифи ҳамдир.

Мен бу ўринда адабиётшунос олимнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти ҳақида тўла ва батафсил мулоҳаза юритиш фикридан узоқман. Вақти келиб, бу ҳақда махсус рисолалар ёзилади, албатта. Ҳозир гап — олимнинг сўнгги йилларда ёзган ва зиёлилар орасида оммавийлашиб кетган «Ўзбек зиёлиларининг жаллодлари» мақолалар туркуми хусусида боради.

Олимнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: **«Мен сўнгги ўн йилликда нима ёзган бўлсам, шуларнинг ҳаммасига, худо хоҳласа, яна қайтаман, деган ниятда бўлганман. Ойбек тўғрисидаги китобларимнинг бир қисми адиб юбилейи туфайли шошиб ёзилганди. Сўнгги икки-уч йил ичида ёзган мақолаларим эса ошкоралик даври тақозоси билан юзага келди. Совет ҳокимияти тарихида илк бора КГБ дек ташкилотнинг ҳужжатхоналарида мунгли тарихимизнинг баъзи бир саҳифалари билан танишиш имконияти пайдо бўлди. 30-йиллар тўғрисидаги ҳақиқатнинг юзага чиқиши Мустақил Ўзбекистон олдида турган вазифаларни аниқлаб олишимизга бир қадар ёрдам беради».**

Тўғри, қатағон йиллари ҳақида бир қатор шеърлар, достонлар, ҳужжатли қиссалар, романлар, мақолалар ёзилди. Лекин шунга қарамай, ўша машъум даврнинг бутун фожеалари билан тўлиб-тошган манзараларини акс эттирувчи асарларнинг камлиги шундоққина сезилиб турибди.

Ҳар биримиз юрак ютиб ўйлаймиз: Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек, Фитрат сингари маданиятимиз арбобларининг суяклари қаерларда чирио ётибди. Чўлпон қаерда ва қачон отилган? Абдулла Қодирий ҳаётининг сўнгги кунлари ҳақида биз нималарни биламиз? Унинг 2060 варақдан иборат қўлёзмаси, 2 ён дафтари, 217 саҳифадан иборат ёзишмаларининг тақдири не бўлган? Уларни НКВДнинг захқамоқхоналарида ётишга мажбур қилган хоинларнинг номларини аниқ биламизми?

«Мен соддалиги нодонлик билан уланиб кетадиган халқимиздан ўпкалагим келади, — деб ёзади Наим Каримов. «Қодирийнинг боши — янги йил совғаси» деб номланган мақоласида. 1937 йилда уюшиб, Чўлпонларини, Қодирийларини, Фитратларини ҳимоя қилиш маҳол эди. Аммо жуда бўлмаса, Абдулла Қодирийга ихлос қўйган кишилар 1937 йил каллакесарларидан омон қолган мўътабар қўлёзмаларни сақлаб қолиши мумкин эди-ку!»

Бу сўзлар қанчалик аччиқ бўлмасин, аммо чин юракдан, самимий айтилганини ҳеч ким инкор қилмаса керак.

Шу ўринда бир ибратли фактни тилга олиб ўтишни лозим деб биламан.

1990 йилнинг ноябрь ойлари. «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетасида Наим Каримовнинг Усмон Носирнинг фожеали ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Аждаҳо комида» деб номланган ва ҳужжатлар асосида ёзилган мақоласининг парчалари бирин-кетин эълон қилинаётган пайтлар. Бу мақола олқишларга сазовор бўлди. Аммо айрим одамлар Наим Каримов шаънига бўлар-бўлмас гаплар тарқатиш йўлига ўтиб олишди. Лекин олим бундай гап-сўзлар олдида довдираб қолмади. Аксинча «Ўзбек зиёлиларининг жаллодлари» туркумига кирувчи мақолаларини ёзишда давом этди.

Сўнгги йиллар ичида олимнинг турли хил маъмурий идоралар ҳамда жамоатчилик ташкилотларининг архивларида сақланиб келаётган ҳужжатлари асосида «Чўлпон учун кишан», «Ассалому алайкум, дорнинг оғочи», «Ойбек: тош экан — бу бошим», «Шоҳимардоннинг қора баҳори», «Зулм салтанатининг ваҳшатлари», «Ўзбек киносининг қалдирғочи», «Навбат Ойбек ва Шайхзодага. Кейингиси кимга?», «Алпомиш» достонининг қатли ом этилиши» сингари ўткир руҳда ёзилган мақолалари эълон қилинди.

Бемалол айтиш мумкинки, Наим Каримовнинг узоқ йиллар давомида олиб борган илмий ва ижодий изланишлари бекор кетмади.

Олим қаламига мансуб бўлган «Ўзбек зиёлиларининг жаллодлари» деб номланган мақолалар туркуми билан маданиятимиз тарихининг кемтик саҳифалари тўлдирилди.

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ,
профессор.

ХАНДАЛАР

— Судланувчи, ўз айбингизни енгиллаштирувчи бирор нарса деёласизми?

— Ҳа, деёламан. Менинг ўнинчи марта судланишим. Бироқ кўриб турганингиздек, бу нарса негадир суд ишида ҳеч қандай ёрдам бермаяпти.

* * *

Аёл тутоқиб деди:

— Тун ярмидан оққанда уйга келасизми? Сизга гапиравериб, гапиравериб, чарчадим. Энди нима дей[illegible]га ҳам ҳайронман.

Эри хурсанд бўлиб кетди:

— Худога шукр, сенда ҳам гап тугар экан-ку.

* * *

— Сенинг биргина сўзинг мени жуда бахтиёр этади. Айт-чи, менга турмушга чиқасанми?

— Йўқ.

— Раҳмат, бахтиёр этдинг.

* * *

Оқловчи судда сўз олди:

— Ўртоқ прокурор, менинг ҳимоямдаги судланувчининг айбини биласиз, куппа-кундузи ўғрлик қилган. Бироқ яқинда яна бир ҳимоямдаги киши суд қилинганди. У тунда ўғирлик қилувди. Улар энди мендан сўрашмоқда: қачон ўғирлик қилишсин?

* * *

— Ойликдан ойликкача қандай етаяпсан?

— Амаллаб. Фақат охирги йигирма етти куннинг ўтиши қийин бўлаяпти.

* * *

— Уйланиш жиддий масала, аввал ишлаб пул топиш керак. Бундан ташқари доимий келиб турадиган даромадга эга бўлиш лозим. Ана ундан кейин уйланиш мумкин.

— Хўш, ўзингиз ўша айтган даромадга эга бўлдингизми?

— Ҳа, бир ой бўлди, қарилик нафақасини олаяпман.

Хотира

ҲАММАМИЗДАН КУЧЛИ ШОИР

МУЗАФФАРНИНГ шеърларини ўқидим-да, ўксидим. Раҳматликнинг овози шу ўринда янграгандек туюлаверди. Саҳаргача ухлай олмадим. Унинг шеърлари хазонлар қадар маҳзун.

Бу дунёда куз
дилгиру, мен дилгир,
Ўтиб кетинг тезроқ,
яшил баҳорлар...

Шеърият асли маҳзунлик эмасми? Шодмон ва фархунда инсон шеър бита оладими? Балки, тўла маънода тўкин яшаётган ҳавасмандлар туфайли ёлғон шеърлар кўпайиб кетаётгандир.

Инсоният тарихида илк шеър айтган — Одам ато бўлди. Башарнинг биринчи шеъри ўз ўғлига марсия тарзида айтилди ва йиғлаб ўқилди.

Нега Абдулла Ориф, Рауф Парфи ҳазин шеърлар яратди? Ва ё ҳазинлик чин шоирларни яратадими? Ҳазрати эшон Ҳазиний ҳам тахаллусни бежиз танламаган чиқар?

Кўклам кунларида шундай маъюс сўзларни ёзаётганим учун маъзур тутинглар. Музаффар ҳақида кўп ўйладим. Шоирнинг умри ҳам битта шеър эканлигини қайта-қайта эсладим. Ниҳоят, бир фикрга келиб, тўхтадим: Музаффар ҳаммамиздан-да, кучлироқ шоир экан! Илоҳим, марҳум дўстимиздан Аллоҳ таоло шундай муборак кунларда ўз раҳматини дариғ тутмасин...

Иқбол МИРЗО.

Музаффар Аҳмад АНДИЖОНИЙ

«ЭНДИ ТУРНАЛАРНИНГ ТУШИГА КИРИНГ»

* * *

Бахтсизлик шунчалар сингди қонимга,
Энди бахт ҳақида ўйламай қўйдим.
Беҳуда азоблар тегди жонимга,
Мени армонлар ҳам қийнамай қўйди.
Юрагим тубида музлари қат-қат,
Ўтган кунлар каби бўлмас безовта.
Оппоқ тонглар отмиш менга етти ёт,
Ҳеч таажжубга солмас келётган эрта.
Шамолда сузади бир тўда булут,
Бу оғир қисматга аниқ нишона.
Ўзлигин йўқотган бир шўрпешона.
Бахтсизлик шунчалар сингди қонимга,
Энди бахт ҳақида ўйламай қўйдим.

КЕТЯПМАН

Ўргимчак тўр тўқир йўлимга,
Хаёлларим, кетамиз, юринг!
Сиға олмадик бир қорачиққа,
Энди турналарнинг тушига киринг.
Кетяпман...
Сирлар қолади тоғ орасида,
Тилимнинг эсидан чиқади «сим-сим».
Баҳорда орзулар очмади ғунча
Энди бу ватанда қолмади ҳаққим
Кетяпман...
Баҳорга тўймаган кўзларимдан
Тўлиб-тошиб сумалак қайнар.
Хотиранг — ечимсиз бир тўп калава
Хаста юрагимни бир умр қийнар.
Кетяпман...

* * *

Юксалиб борар юракнинг ўти,
Минг йилки, сиздан бир сўз кутаман.
Тоғлар тоғ эмас, мисоли тўти
«Севаман» десам, «Севаман!!!» дейди.
Най чалиб навосин айтади шамол,
Шитирлаб жавоб қайтарар япроқ.
Минг йил жавобсиз мен берган савол,
Бундай муштоқлик дилимни ейди.
Наҳот, сезилмас қайноқ бу кафтим
Қалбингизга солсам ҳам қўлимни.
Фақат қуёшнинг оташин тафти
Уйғотиб юборди бутун оламни.
Минг йилки сиздан бир сўз кутаман...

* * *

Бир туйғу кўчада чўккалаб қолган,
Шамол лабида келтирар ёлғон.
Ишончнинг сочини оқ оралаган,
Сизни кутавериб.
Руҳимни кемирар қуртдайин шубҳа,
Қовжираб лабим бўлмоқда юпқа.
Қоним сачраб кетди кўкимтил уфққа
Сизни кутавериб.
Қалбимни хотира қучоқлаб ўтар,
Ёшларим дувиллаб тутдек тўкилар
Ўртансам, жоним бўғзимга етар
Сизни кутавериб.

Газета саҳифаланаётганда:

ҚОП ЎҒРИСИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Хорижлик меҳмон Комилжон Охунжон ўғли қийин аҳволга тушиб қолганида Андижон транспорт ички ишлар бўлими ходимлари унинг жонига ора кирди. Қариндош-уруғларини кўргани келаётган Комилжон аканинг совға-саломлари солинган қопи «Москва—Андижон» поездида йўқолиб қолди. Буни у поезддан тушаётганидагина сезди.

Андижон транспорт ички ишлар бўлимида дарҳол тезкор гуруҳ тузилиб, қидирув ишлари бошлаб юборилди. Шу поездда шаҳарга келган йўловчилар билан суҳбат чоғида қоп кўтарган бир кимсанинг Саратовда тушиб қолгани аниқланди. «У ерда узоқ қолиб кетмаса керак», деган тахмин билан ўша ёқдан келаётган кейинги поездлар текширила бошланди. Калаванинг учи Андижон тумани Найман қишлоғининг Чўнгбоғиш маҳалласидаги чойхонага олиб келди. Ҳамтовоқлари билан маишат қилиб ўтирган 29 ёшли Қурбонали Акбаров милиция ходимларини ва ўғирлаган матоларини пуллаган одамларини кўриб лол қолди. У ўмарилган қоп билан бошқа поездга чиқиб олган келаётган йўловчига бир ўрам матони сотиб, қолган молларни эса қишлоғида гумдон қилган эди...

— Ана шундай жиноий ишларнинг олдини олиш мақсадида, — деди Андижон транспорт ички ишлар бўлим бошлиғининг муовини, милиция капитани С. Йўлдошев, — Тошкентдаги бошқармамиз ёрдамида йўловчи поездларини кузатувчи милиционерлар бўлинмаси ташкил этилди. Эндиликда ходимлар Андижондан йўл олаётган барча йўловчи поездларини охирги бекатгача кузатиб бормоқда.

ЎзА мухбири.

Келгуси сонда:

- **● РОССИЯ ПОЙТАХТИ ЎЗГАРАДИМИ?**
- **● ҲОВЛИДАГИ ПОРТЛАШ**

Ибратли тадбирлар

ҲОКИМЛИК ТАШАББУСИ БИЛАН

Наврўз! Саҳоват ва сахийлик, меҳр ва оқибат, дўстлик ва муҳаббат, ёшариш ва янгиланиш байрами. Донишманд бобомиз Ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий бекорга «Ҳар кунинг наврўз ўлсин», демаганлар. Мана қарийб бир ойдан ошаяпти-ки, элимизнинг ҳар куни Наврўз. Биз муштарийларимизни жумҳуриятимизнинг турли бурчакларида ўтказилаётган саҳоват тадбирлари билан таништирдик. Бугун яна уларнинг бири ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида қатор олий ва ўрта илм даргоҳларининг тингловчилари яшашади. Яқингача уларнинг дардини эшитадиган аниқ бир ташкилот йўқ эди. Лекин ҳамма хўжайинлик қилишни истарди. Мана яқин бир йилдирки, талабаларнинг ўз ҳоким, ҳокимиятлари бор. Талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ташкил этилганида баъзиларнинг энсаси қотганди. «Ортиқча амалдорларнинг нима кераги бор? Шуларсиз ҳам, раҳбар кўп», деб. Ҳокимлик ташкил этилганидан буён бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди-ю, унга қарши бўлганлар уялиб қолишди.

Биз гувоҳи бўлган тадбир ҳам ана шу яхши ишларнинг давоми. 23 апрель куни ҳокимлик биноси талабалар билан гавжум бўлди. Ҳокимлик ташаббуси билан Тошкент Давлат дорилфунуни, Тошкент Техника дорилфунуни, Тошкент Давлат 2-Тиббиёт институти, ҳуқуқшунослик институти, маданий-оқартув, геология-қидирув ва кинотехникумларининг бир гуруҳ ёрдамга муҳтож талабаларига Наврўз совғалари топширилди. Бу тадбир учун ҳокимият ўз жамғармасидан 750 минг сўм маблағ ажратди.

Совға топшириш маросимида Тошкент шаҳар ҳокимининг муовини Шуҳрат Жалилов, Собир Раҳимов ноҳия ҳокими Ҳотам Абдурайимов, Талабалар шаҳарчаси ҳокими Шамил Болабеков ва бир қанча илм даргоҳлари раҳбар ҳамда ўқитувчилари қатнашдилар.

Тўкин дастурхон устида меҳмонлар ва талабаларга ТошДД «Ўзбекистон қизлари» рақс дастаси, «Наврўз» ансамбли, маданий-оқартув техникуми талабалари ижросидаги куй, қўшиқ ва рақслар ором бағишлади.

СУРАТДА: совға топшириш маросимидан бир лавҳа.

Шаҳноза ҚЎЧҚОРОВА.

Интеграл микросхемаларни ишлаб чиқариш пишиқ-пухталикни, нозикликни ва ниҳоятда аниқликни талаб этади. Шунинг учун ҳам бу ишларни бажариш учун аёл қўллари керак. «Интегратор» заводи 37-цехида ишлаётган Саодат Абдужалилованинг ишини кузатиб туриб, бир қараганда оддий ва осондек туюлган чизмаларни йиғиш моҳирликни талаб қилишини кўрасан. Аёл қўллари эса бу ишда асқотади.

Л. ГЛАУБЕРЗОН
сурати.



КАТТАЛАР КЎРГАН ФУТБОЛ



Ўша пайтда Москва спорт иншоотларин «Олимпиада—80»га ҳозирлаётган эди. «Динамо» ўйингоҳининг кўпчиликка машҳур шимолий трибунаси таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани боис ёпилган ва ундаги расмий хизматчилар учун жиҳозланган жойлар, шу жумладан матбуот жойи ва ҳукумат аъзолари учун хона ҳам қарама-қарши жанубий трибунага кўчирилган эди. Нафсиламбрини айтганда, жанубий трибунада ҳукумат жойи бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Оддийгина маъмурий хона бўлиб, одатда у ерда катта амалдорлар ўтирардилар. Аммо уларнинг ўзлари ҳам кунларнинг бирида ҳузурларига КПСС МҚнинг Бош котиби Леонид Брежнев ва Грузия Компартияси МҚнинг биринчи котиби Эдуард Шеварднадзелар кириб келишларини етти ухлаб тушларида кўрмагандилар. Ўшанда айтишларича, юқори мартабали меҳмонлар «Динамо»га ҳеч кимни, ҳатто қўриқчиларини ҳам огоҳлантирмай келишган ва бу билан бошлиқларни саросимага солиб қўйишганди. Уларнинг бу вазиятдан қандай чиқишганини билмадим-у, аммо ушбу ташриф биз журналистларга ҳам ва кейин маълум бўлишича, ўйин қатнашчиларига ҳам анча қийинчилик туғдирди.

Ўша ўйин ҳақидаги ҳисоботни «Советский спорт»га менинг ҳамкасбим Юлий Сегеневич ёзиши керак эди. Учрашув бегим куни ўйналиб, соат 20 дан 45 дақиқа ўтганда тугарди. Газетани нашр этиш учун соат 22 дан 15 дақиқа ўтганда имзо қўйиларди. Бундай вазиятда ҳар бир дақиқа ғаниматлиги табиий. Ҳисоботни телефон орқали таҳририят машинисткасига айтиб ёздириш, сўнгра уни яна ўқиб ва таҳрир қилиб, мусаҳҳиҳлар хатоларини тузатиб, линотипистлар териб, такрор ўқиб чиқилгунча анча вақт ўтади. Газета ўз вақтида чиқиши шарт, акс ҳолда таҳририят каттагина жарима тўлашига тўғри келади. Ҳеч нарсадан хабари йўқ Сегеневич ўтирган жойидан туриб, трибуна орасидаги йўлакдан телефонлар жойлашган хона томонга ўтади. Эшикни тортса, берк. Тақиллатиб кўради. Орадан бир оз вақт ўтгач, эшик қия очилиб, яхшигина кийинган бир ёш йигит сўрайди: «Сизга нима керак?» Сегеневич газетага ҳисобот жўнатиш кераклигини тушунтиради. Йигит: «Ҳозир бу ерга кириш мумкин эмас, бир оз сабр қилинг» деб, эшикни беркитади. Сегеневич ҳайрон бўлса-да, кутиб туради. Орадан уч дақиқа ўтади, беш... Вақт тиғиз, у эшикни тарақлата бошлайди. Эшик очилади, ичкаридан бақувват бир қўл чиқиб, Сегеневични кўкрагидан тутади ва ичкарига тортади. Хонада уч-тўрт басавлат эркак кишилар бор эди. Улардан бири ўдағайлайди «Кут, дегандан кейин кут-да, нима, бу ерда Катталнинг ўзлари борлигини билмайсанми?!» Ниҳоят, Сегеневич вазиятни англай бошлайди ва ётиғи билан бошқатдан тушунтиради... Унга яна: «Шовқин қилма, керак бўлса, кут!» — дейишади. Орадан ўн дақиқача ўтгандан сўнггина ўша киши: «Киравер...» — дейди. Ҳисобот кечикиб жўнатилади, аммо таҳририятдагилар бир амаллаб, газетани вақтида чиқаришга улгуришади.

22 даража иссиқда 30.000 мухлис томоша қилган ўйин эса 1:1 ҳисобида дуранг билан якунланди. Учрашувнинг биринчи ярмида иккала жамоа ҳам рақибларининг дарвозаларини забт эта олмадилар. Айтишларича, «Динамо» спорт жамияти Марказий кенгашининг раиси Петр Богданов жамоалар ва ҳакамлар учун ажратилган хоналарга танаффус пайтига кириб, ўйинчиларни, ҳакамларни ва жамоалар мураббийларини нима қилиб бўлса ҳам, иккинчи бўлимда голлар уришга чақирди. Ростда, ўйингоҳда шундай зотлар ўтиришса-ю, дарвозаларга бирорта ҳам тўп киритилмаса. Яхшимас...

Ўйиннинг иккинчи ярмида тўплар киритилди Москва динамочиси Андрей Якубик 62-дақиқада 11 метрлик жарима тўпини дарвозага йўллади. 11 дақиқадан сўнг, бош ҳакам Давид Кипиани зарбасидан кейин майдон эгаларининг дарвозаси ишғол қилинганини қайд этди.

У пайтларда ҳар бир учрашувдан сўнг матбуот конференцияси ўтказилиб, унга ўйиннинг бош ҳакими ва жамоаларнинг мураббийлари албатта таклиф этилардилар. Мен ҳам ўша кунги матбуот конференциясида бор эдим. Қизиғи шундаки, иккала мураббий ҳам ўз дарвозаларига урилган тўпларни «ғирром» деб ҳисоблардилар. Тбилисиликлар вакили ўйин қоидаси жарима майдончасидан ташқарида бузилгани ва 11 метрли жарима тўпи нотўғри белгиланганлигини айтса, мезбонлар вакили Кипиани зарбасидан сўнг тўп дарвоза чизиғини кесиб ўтмаганини исботлашга уринарди. Шунда сўз ригалик машҳур ҳакам Микелис Рубенисга берилди. Ҳар бир гапининг тагида ним косаси бор, ҳазилмутойибага уста бу одам ўрнидан туриб, деди:

— Танаффусда олдимга келишдими? Келишди. Голлар бўлишини хоҳлашдими? Хоҳлашди. Оқибатда иккалангиз ҳам голларни олдингиз... Акс ҳолда, 0:0 ҳисоби билан ҳам кетаверардинглар.

Тўпланганларнинг ҳаммаси вазиятни яхши тушунарди, шунинг учун ҳакамга кек сақламай, кула-кула [illegible]рқалишди.

1977 йилнинг 14 июнида Москванинг «Динамо» ўйингоҳида ана шундай воқеа содир бўлганди. Нима бўлганда ҳам Эдуард Шеварднадзенинг Москвада бўлган қисқа вақт ичида ҳам Тбилисининг «Динамо»сини эсдан чиқармаганига ва ўйинга ўзи келибгина қолмасдан, балки, Леонид Ильичини ҳам бирга келишга кўндира олганига қойил қоласан.

Олег КУЧЕРЕНКО,
«Футбол» ҳафталигидан А. ТЎХТАМИРЗАЕВ таржимаси.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЁЗОВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (*масъул котиб*), Қ.ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

☎ ТАҲРИРИЯТ: ☎
хатлар ва оммавий ишлар – 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими – 32-57-93; ижодкор ёшлар – 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик – 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш – 32-53-98; тижорат – 32-58-48; қабулхона – 32-56-58.

✉ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ»нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 00130 Буюртма Г—179. 64052 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди. 21.00 да

1 2 3 4 5 6